

**Б.Й. ҚҰШОҚОВА**

**ТИЛ ФУНКЦИОНАЛ  
РИВОЖЛАНИШНИНГ  
СОЦИОЛИНГВИСТИК  
ТАҲЛИЛИ**


Zafar Haydarov

+99894-404-04-98

Б.Й. ҚЎШОҚОВА

ТИЛ ФУНКЦИОНАЛ  
РИВОЖЛАНИШИНИНГ  
СОЦИОЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ  
(ўзбек тили мисолида)

33683



Хўжанд — 2020

ББК – 81.2 Уз6

УДК – 81.27

Қ- 99

**Тил функционал ривожланишининг социолингвистик таҳлили. (Ўзбек тили мисолида) – Хужанд, СИ Файзибоев М.М., “Меъроқ”, 2020: - 112 с.**

**Масъул муҳаррир:**

**Р.У. Маджидова**  
филология фанлари  
номзоди, доцент

**Такризчилар:**

филология фанлари доктори,  
профессор **А. Бердиалиев**  
филология фанлари доктори,  
профессор **Қ.О. Сапарова**

Монографияда ўзбек тилининг функционал ривожланиши социолингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилинади. Тил ва жамият алоқасининг қонуниятлари, ижтимоий омилларнинг юзага келиши, жамиятнинг турли соҳаларида тил ижтимоий функцияларининг кенгайиши, уларнинг сўз яшаш ва сўз бирикмаси ҳосил қилишдаги роли ёритиб берилади.

Китоб олий ўқув юртлари филология факультетлари (бакалаврият, магистратура) талабалари, докторантлар, мустақил изланувчилар ва умумтаълим мактабларининг ўзбек тили ўқитувчилари учун мўлжалланган.

ISBN 978-99975-72-21-9

© Қўшоқова Б.Й., 2020

## КИРИШ

Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида социолингвистика муаммоларини ўрганиш бўйича амалга оширилган изланишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мамлакатимиздаги мавжуд кўп тилли жамият ва амалда бўлган турли тилларнинг ўзаро таъсири, ҳолати, мукаммаллашуви, мавқеининг ошиши ҳамда функционал ривожланиши масалаларига оид изчил таҳлилларнинг етарли эмаслиги, бу йўналишдаги илғор жаҳон тажрибасини тадқиқотларда самарали қўллаш ҳамда социолингвистик изланишларни олиб бориш тилшунослигимиздаги муҳим вазифалардан биридир. Мамлакатимизда илм-фан ва таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган ҳозирги кунда “олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш”<sup>1</sup> борасида тил функционал ривожланишининг социолингвистик таҳлили алоҳида аҳамиятга молик, зеро, ҳар қандай фанга оид маълумот инсон томонидан тил воситасида етказилади ва идрок қилинади.

Тилшуносликнинг социолингвистика йўналишида бир қатор олимлар ўз тадқиқот ишларини олиб борган: а) Ю.Д. Дешериев, В.К. Журавлев, В.Ю. Михальченко каби хориж олимлари<sup>2</sup>; б) А.Ҳожиев, А.А. Абдуазизов, А.Н. Баскаков, А.С. Содиқов, А. Нурмонов, Р. Расулов, Н.Маҳмудов, М.Т. Ирискулов, О. Азизов, Ж.А. Мамашукуров, А. Бердиалиев,

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // <http://www.lex.uz/docs/3107036>.

<sup>2</sup> Дешериев Ю.Д. Теоретические аспекты изучения социальной обусловленности языка.— М.: Наука, 1988.—200 с.; Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика.—М.: Наука, 1977.—382 с.; Журавлев В.К. Социолингвистический аспект истории литературных языков. В кн. Влияние социальных факторов на функционирование и развитие языка.—М.: Наука, 1988.—200 с.; Михальченко В.Ю. Социальные факторы и функционально-стилистическая дифференциация языка.—М.: Наука, 1988.—200 с.

Н. Улуков, З. Холманова, А.Х. Тўрахожаева каби ўзбек олимлари<sup>3</sup> тадқиқот ишлари олиб борган.

Замонавий социолингвистика асосларини XIX-XX асрларда вужудга келган социологик йўналиш вакиллари яратганини таъкидлаш лозим (Ж.Локк, В.Гумбольт, В. Вундт, Г. Штейнталь, А.Мейе, О. Конт, Э. Дюркгейм, У.Д.Уитни, Э. Сепир, Ж.Ферс ва б). Улар томонидан тил мулоқот воситаси, тафаккур қуроли сифатида таърифланади ва тилнинг коммуникатив функцияси асосий функция сифатида эътироф этилади. А.Мейе тилдаги ўзгаришларни ижтимоий сабаблар билан, Ж.Вандриес эса тил эволюциясини ижтимоий муносабатлар мураккаблашуви билан боғлаган.

Рус тилшунослигида тилга мулоқот воситаси сифатида қараш XVIII асрда бошланган бўлиб (М.В. Ломоносов), илк социолингвистик тадқиқотлар XX асрнинг 20-30- йилларида Л.П. Якубинский, В.В. Виноградов, Б.А. Ларин, В.М. Жирмунский, Е.Д. Поливанов, Л.В. Щерба каби олимлар томонидан амалга оширилди. Хусусан, тил ва жамият ўртасидаги боғлиқлик қонунийлиги назарияси ҳамда тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги тадқиқини Ю.Д. Дешериев,

---

<sup>3</sup> Абдуазизов А.А. Содиқов А.С. Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш.-Т.: Ўқитувчи, 1981. – 226 б.; Абдуазизов А.А.Тилшуносликка кириш назарияси. – Т.: Шарқ, 2010.-262 б.; Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 176 б.; Баскаков А.Н. Социальные факторы в их воздействии на лексико-семантическую систему языка (на материале лексики тюркских языков).– М.: Наука, 1988. – 200 с.; Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 256 б.; Мамашукуров Ж.А. Ўзбек тилининг давлат тили сифатида ривожланишининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий асослари. // Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. Т. 1999.; Тўрахожаева А.Х. Мустикаллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг тараққиёти: Филол.фанлари номзоди...дис. автореф. – Т.: 2012. – 21 б.; Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 232 б.; Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Т.: Фан ва технология, 2007. – 256 б.; Содиқов А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш.-Т.: Ўқитувчи, 1981. – 224 б.; Бердиалиев А. Ўзбек синхрон социолингвистикаси. Хужанд: “Меърож”, 2015. –180 б.; Улуков Н. Тилшунослик назарияси.–Т.: Баркамол фойз медиа, 2016. – 192 б.; Холманова З. Тилшуносликка кириш. – Т., 2007. – 146 б.; Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Т.: Ўқитувчи, 2007. – 145 б.

Н. Улуков, З. Холманова, А.Х. Тўрахожаева каби ўзбек олимлари<sup>3</sup> тадқиқот ишлари олиб борган.

Замонавий социолингвистика асосларини XIX-XX асрларда вужудга келган социологик йўналиш вакиллари яратганини таъкидлаш лозим (Ж.Локк, В.Гумбольдт, В. Вундт, Г. Штейнталь, А.Мейе, О. Конт, Э. Дюркгейм, У.Д.Уитни, Э. Сепир, Ж.Ферс ва б). Улар томонидан тил мулоқот воситаси, тафаккур қуроли сифатида таърифланади ва тилнинг коммуникатив функцияси асосий функция сифатида эътироф этилади. А.Мейе тилдаги ўзгаришларни ижтимоий сабаблар билан, Ж.Вандриес эса тил эволюциясини ижтимоий муносабатлар мураккаблашуви билан боғлаган.

Рус тилшунослигида тилга мулоқот воситаси сифатида қараш XVIII асрда бошланган бўлиб (М.В. Ломоносов), илк социолингвистик тадқиқотлар XX асрнинг 20-30- йилларида Л.П. Якубинский, В.В. Виноградов, Б.А. Ларин, В.М. Жирмунский, Е.Д. Поливанов, Л.В. Щерба каби олимлар томонидан амалга оширилди. Хусусан, тил ва жамият ўртасидаги боғлиқлик қонунийлиги назарияси ҳамда тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги тадқиқини Ю.Д. Дешериев,

---

<sup>3</sup> Абдуазизов А.А. Содиқов А.С. Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш.-Т.: Ўқитувчи, 1981. – 226 б.; Абдуазизов А.А.Тилшуносликка кириш назарияси. – Т.: Шарк, 2010.-262 б.; Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 176 б.; Баскаков А.Н. Социальные факторы в их воздействии на лексико-семантическую систему языка (на материале лексики тюркских языков).– М.: Наука, 1988. – 200 с.; Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 256 б.; Мамашукуров Ж.А. Ўзбек тилининг давлат тили сифатида ривожланишининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий асослари. // Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. Т. 1999.; Тўрахожаева А.Х. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг тараққиёти: Филол.фанлари номзоди...дис. автореф. – Т.: 2012. – 21 б.; Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 232 б.; Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Т.: Фан ва технология, 2007. – 256 б.; Содиқов А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш.–Т.: Ўқитувчи, 1981. – 224 б.; Бердиалиев А. Ўзбек синхрон социолингвистикаси. Хужанд: “Меърож”, 2015. –180 б.; Улуков Н. Тилшунослик назарияси.–Т.: Баркамол фойз медиа, 2016. – 192 б.; Холманова З. Тилшуносликка кириш. – Т., 2007. – 146 б.; Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Т.: Ўқитувчи, 2007. – 145 б.

Е.А. Татаринцева, Ф.П. Филин каби<sup>4</sup> олимларнинг ишларида, тил доим ҳаракатда бўлиши ҳамда ўзгариб, ривожланиб туриши билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни Ф.М. Березин, Ф.П. Филин ва бошқаларнинг тадқиқотларида, тилнинг ижтимоий ривожланиши ва унга таъсир кўрсатувчи ижтимоий омиллар, тилнинг ижтимоий функциялари каби масалалар тадқиқини Ю.Д. Дешериев, Т.Б. Крючкова каби-ларнинг ишларида кузатиш мумкин<sup>5</sup>.

Ўзбек тилшунослигида тилнинг социолингвистик тадқиқи масалалари А.А. Абдуазизов, А.С. Содиков О. Азизов, Ғ.Х. Раҳимов ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёритилган<sup>6</sup>. Бироқ тил, хусусан, ўзбек тилининг ички имкониятлари ва унинг ташқи омиллар туфайли ривожланиши, ижтимоий омиллар таъсирида ижтимоий функцияларининг кенгайиши, бунинг натижасида луғат таркибида юз берувчи ўзгаришлар ва сўз маънолари тараққиёти каби масалалар шу вақтга қадар жиддий социолингвистик тадқиқотлар объекти бўлган эмас.

Тадқиқотнинг мақсади тил ижтимоий функцияларининг кенгайиши ва унинг луғат таркиби тараққиётига таъсирини ўзбек тили мисолида ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ижтимоий-коммуникатив тизим ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий-

---

<sup>4</sup> Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика.–М.: Наука, 1977.–382 с.; Татаринцева Е.А. Роль языка в развитии общества. [www.cyberleninka.ru](http://www.cyberleninka.ru); Филин Ф.П. Проблема социальной обусловленности языка.–М.: 1968;

<sup>5</sup> Березин Ф.М., Головин Е.Н. Общее языкознание.–М.: Просвещение, 1979.–416 с.; Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика.–М.: Наука, 1977.–382 с.; Филин Ф.П. Проблема социальной обусловленности языка.–М.: 1968; Крючкова Т.Б. Стихийное и целенаправленное в развитие общественно-политической лексики и терминологии (на материале немецкого языка ГДР и ФРГ)–М.: Наука. 1988.–200 с.

<sup>6</sup> Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 176 б.; Баскаков А.Н. Социальные факторы в их воздействии на лексико-семантическую систему языка (на материале лексики тюркских языков).– М.: Наука, 1988. – 200 с.; Содиков А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1981. – 224 б.; Раҳимов Ғ.Х. Инглиз тили Ўзбекистонда: социолингвистик ва прагматик кўрсаткичлар. Монография.–Т.: Тамаддун, 2017. – 268 б.



сиёсий, тарихий, иқтисодий, маданий, мафкуравий шароитлар тилнинг ички структураси ва унинг функцияларидаги ўзгаришлар ҳамда тил мавқеи кўтарилишининг асосий омили бўлганлиги далилланганлиги; тилнинг ижтимоий функциялари кенгайиши сўзларда маъно кўчиши, маъно ҳажми кенгайиши/торайиши, архаизмларнинг қайта фаоллашуви, грамматик, семантик ва сўз ўзлаштириш усуллари орқали неологизмлар ҳосил қилинишига олиб келганлиги миқдорий кўрсаткичлар асосида исботланганлиги; ўзбек тилининг луғат таркибида тилнинг ижтимоий функциялари кенгайиши натижасида юзага келган сўз маъносининг тараққиётидаги ўзгаришлар изоҳли луғатнинг янги авлодини яратиш тадрижи жадаллашувини тақозо қилиши аниқланганлиги; тилда пайдо бўлган кўплаб неологизмлар тақсимланиши бевосита тилнинг коммуникатив, когнитив, аккумулятив, экспрессив каби ижтимоий функциялари кенгайишининг инъикоси эканлиги асосланганлигидан иборат.

# 1-БОБ. ТИЛ ИЖТИМОЙ ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ВА ТАСНИФИ МУАММОЛАРИ

## 1.1. Тил ва жамият алоқасининг қонунийлик тамоёили

Тил ва жамият, уларнинг ўзаро муносабатлари тил-шуносликда аҳамиятли ва мураккаб масала ҳисобланиб, ижтимоий характерга эга бўлган тил жамият тараққиётидаги меҳнат жараёнида юзага келади. Тил жамият билан пайдо бўлганидек, жамият билан бирга ўлади [63, 6].

Тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги унинг жамият томонидан қабул қилинган зарурий, шартли белгилар йиғиндисидан иборатлиги, муомала, маълумот йиғиш ва сақлаш воситаси сифатида жамиятга хизмат қилишида намоён бўлади [103, 47]. Инсон ижтимоий ҳаётда ишлатадиган, жамиятга хизмат қиладиган ҳамма нарса маълум маънода ижтимоий деб аталиши мумкин [50, 55]. Тил жамият унга қўйган талабларни ўзида намоён қилади, унинг ҳолатини акс эттиради ва ривожланишида фаол ёрдам беради.

Шунингдек, ўзбек тилшуносолими Ғ. Абдурахмонов тилни ижтимоий ҳодиса сифатида ҳисоблаб, уни бевосита инсон ва жамият билан боғлайди. Бунда, тилнинг маълум бир фикрни ифодалаш, фикр алмашиш орқали алоқа воситаси вазифасини бажариши унинг инсон омили билан боғлиқлигини билдирса, унинг жамият билан алоқаси жамиятда ҳаракатланиши, ўзгариши ва тараққий этиши билан бевосита боғлиқдир [27, 6].

Тил ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлик масалалари яна бир ўзбек тилшуносолими М.Т. Ирискулов тадқиқотларида ҳам қайд этилган бўлиб, унга кўра, тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият билан боғлиқ ҳодиса ва жамият тараққиёти давомида содир бўлган воқеа ва жараёнлар тилда ўз ифодасини топиши алоҳида эътироф этилади [61, 6].

Бундан маълум бўладики, тил ва жамият ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Вильгельм фон Гумбольдт тилнинг унинг моҳиятини қуйидагича баён қилади: “Тил ҳар доим ривожланиб турадиган динамик ҳодисадир. Бир томондан, тил фаолият бўлса, иккинчи томондан, фаолият маҳсулидир. Тилда сўзловчи ҳар бир киши ўзининг нутқ фаолияти жараёнида тилнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади” [47, 73]. Шу билан бирга, тил жамият манфаатларини қондириши учун унинг талабларидан келиб чиқиб ўзгаради.

Биз Вильгельм фон Гумбольдт томонидан тилга берилган юқоридаги таъриф ва тавсифни қўллаб-қувватлаган ҳолда қайд этишимиз мумкинки, тил шундай ҳодисаки, у жамиятда ҳаракатланади ва ривожланади. Бу эса, ўз ўрнида, тилнинг ижтимоий табиатини акс эттиради.

Ўзбек тилшунос олими Р. Расуловнинг эътирофича, тил сўз, сўз бирикмаси, гап каби белгилар мажмуидан иборат бўлиб, бундай белгиларнинг боғланишидан тузиладиган конструкциялар лингвистик белгилар сифатида воқеланади ва жамиятда муайян ижтимоий вазифа бажаради [93, 208]. Бу эса, ўз ўрнида тилнинг ижтимоий хусусиятини белгилаб беради.

Маълумки, тил миллатнинг асосий белгиларидан бири бўлиб, унда сўзлашувчи миллатнинг маданиятини, яъни миллий маданиятни билдиради [42, 3]. Мазкур назарий қарашдан маълум бўладики, тил маълум миллат ёки халқнинг миллий маданиятини ўзида намоён қилар экан, бунда тилнинг маълум ижтимоий гуруҳга хизмат қилувчи мулоқот воситаси сифатидаги мақоми ўз ифодасини топади. Тил инсонларнинг фикрлари ва ҳиссиётларини ифодалаш воситаси сифатида хизмат қилади, яъни “тил ижтимоий онгнинг акси бўлиб хизмат қилар экан, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ўзгаришларга таъсир қилади.” [118, 11]. Бундан келиб чиқадики, тил жамият билан чамбарчас боғлиқ

ҳолда ўз фаолиятини бажариб, жамият ва тил ўзаро бир-бирига ўз ривожига таъсир қилади.

Тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги ўзбек тилшунос олими И.Йўлдошев томонидан ҳам қайд этилиб, олим унинг ижтимоий характери жамият тараққиётидаги меҳнат фаолияти жараёнида юзага келишига диққат қаратади [63, 6]. Шунингдек, А. Нурмонов тилнинг ижтимоий табиатини таъкидлар экан, бунда тил ва тил эгасининг тарихий, маданий ва руҳий хусусиятлари билан боғлиқлигини алоҳида эътироф этади [86, 17]. Шунга ўхшаш фикр Ҳ. Неъматов томонидан ҳам билдирилган бўлиб, инсонлар онгида имконият, умумийлик ва муносабатлар сифатида мавжудлиги эътироф этилади [82, 26]. Шунга кўра, инсон онгидаги бундай ҳодисалар тил орқали намоён бўлиши қайд этилади.

Шунингдек, О. Азизов тилни ижтимоий ҳодиса деб атар экан, бунда у тилни жамиятнинг энг муҳим алоқа воситаси сифатида жамиятга хизмат қилиш аспекти (коммуникатив ижтимоий вазифаси)ни алоҳида қайд этади [30, 4]. Шу маънода тилнинг ижтимоий характери унинг ижтимоий вазифа бажариш [86, 18] хусусиятида намоён бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, яна бир ўзбек тилшунос олимаси З.Т.Холманованинг эътироф этишича, тил кишилиқ жамияти маҳсули бўлиб, усиз ҳеч қандай воқелиқ ёки ҳодисани, инсоннинг табиатда, жамиятда туган ўрнини, жамият тараққиётини билиш мумкин эмас [116, 3]. Олиманинг фикрича, тилнинг ижтимоий табиати унинг кишилиқ жамиятида яратилганлиги ва алоқа воситаси сифатида жамиятда хизмат қилишида намоён бўлади [116, 15].

Шунингдек, А. Содиқов тил ва нутқнинг асосий фарқи хусусида фикр юритар экан, у тилни ижтимоий ҳодиса, нутқни эса индивидуал хусусиятга эгаллигини таъкидлайди [102, 7].

Н.А. Баскаков тилга қуйидагича таъриф беради: “Тил инсониятнинг тарихий тараққиёт жараёнида яратилган барча маданий ва илмий бойликларини ифодалайдиган ва авлоддан авлодга мерос қоладиган асосий воситадир” [35, 5]. Бундан келиб чиқадики, тил жамият билан, уни ташкил қилувчи инсонлар билан боғлиқликда ҳаракатланади ва ривожланади. Тил ва жамиятнинг узвий алоқаси шу тариқа юзага келади.

Ш. Раҳматуллаев эса, тил кишиларга фикрлашув, фикрлаш қуроли бўлиб хизмат қиладиган ноёб ижтимоий ҳодиса деб таърифлайди [95, 3]. Бу фикрни маъқуллаган ҳолда қайд этиш мумкинки, тилнинг ижтимоий аспекти унинг инсонлар учун хизмат қилиши ва уларнинг ўзаро мулоқотга киришишида муҳим муомала воситаси бўлиб хизмат қилишида ўз аксини топади. Бунда тил ва жамият ўзаро алоқаларининг бир-бирига боғлиқлик тамойили яна бир бор намоён бўлади.

Тил нутқни амалга оширадиган белгилар тизимидир. Тил инсон тажрибалари ва кўникмаларини жамиятнинг бошқа аъзоларига авлодларга етказувчи восита ҳисобланиб, унинг ривожланиши жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Агар тил пайдо бўлмаганида инсоният ибтидоий даражада қолиб кетар эди [108, cyberleninka.ru].

Тарихий тараққиёт давомида тил ва унинг муҳим хусусиятлари ҳақида турли тушунчалар, турли фикр ва назариялар вужудга келган. “Баъзи олимлар тилни ҳайвон, ўсимликлар каби жонли нарсаларга ўхшатиб, табиатдаги тирик организм деб тушунган ва шундай деб даъво қилишган. Улар, тил тирик организм сингари, табиат қонунларига итоат қилган ҳолда туғилади, ўсади, тараққий қилади, эскиради, энг охирида эса ўлади, деб тушунганлар”, бошқача қилиб айтганда, тилнинг ўзгарувчан табиатини инobatга олганлар [30, 5].

Бироқ юқорида тилга берилган таърифга бир оз танқидий фикр билдириш жоиз деб ҳисоблаймиз. Бизнинг

фикримизча, тирик организм каби тил ҳам ўзининг ўзгарувчан ва ривожланиш динамикасига эга, аммо бунда динамика учун табиат қонунлари эмас, балки маълум ижтимоий муҳит, яъни жамият асосий ўрин эгаллайди. Яъни тилнинг ривожланишида, асосан, ижтимоий қонуниятлар муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур нуқтаи назар ўзбек тилшунос олимаси З. Холманова томонидан илгари сурилган назарий қарашлар билан янада аниқроқ ифодаланиши мумкин: “Тил кишилиқ жамиятининг асрлар давомида тарихий-ижтимоий тажрибаси асосида юзага келган ижтимоий ҳодиса эканлиги, унинг жамият тараққиёти билан узвий алоқадорлиги, жамиятда рўй берадиган ҳар қандай воқелиқ маълум маъно тилда ўз ифодасини топиши, тилнинг ижтимоий табиати унинг жамиятда мавжуд бўлиши ҳамда жамият манфаатларига хизмат қилишида намоён бўлиши уни уюшган кишилар жамиятида алоқа-муносабат воситаси сифатида тан олишга асос бўлади” [116, 22-23].

Юқоридаги тилга берилган турли тавсифларнинг асосий моҳиятини умумлаштирган ҳолда, унга куйидагича ишчи таъриф бериш мумкин: Тил ижтимоий ҳодисадир. Зеро, у жамиятда, ўз табиатига кўра, ҳаракатланувчи, ривожланувчи; бажарадиган функцияларига кўра эса жамият аъзолари орасида ахборот узатувчи, маълумотни авлоддан авлодга етказувчи муомала воситасидир. Шунингдек, тил муайян ижтимоий маконнинг тарихий, маънавий-маданий ва илмий қадрият ва бойлиқларини, маълум халқнинг тараққиётини ўзида акс эттирувчи миллат кўзгусидир.

Тил ўзгаришларининг табиати икки хил бўлиб, бир томондан, тил бир ёки бошқа йўналишда ўзгариш имкониятлари бўлган ички қонуниятларига мос ҳолда ҳаракатланади, иккинчи томондан, барча имкони бўлган ўзгаришлар ҳам амалга ошавермайди. Бу каби жараён содир

бўлиши тилнинг жамиятдаги ижтимоий функциялари билан белгиланади [114, 15].

Тил ва жамиятнинг алоқадорлигини замонавий адабий тилни уч жиҳатдан ўрганиш имконияти мавжудлиги билан ҳам ифодалаш мумкин. Бунда тилнинг ушбу жиҳатларга ажратилиши унинг жамиятда тўлақонли ҳаракатланишига боғлиқ бўлади:

- 1) тилнинг китобий–ёзма варианты–оғзаки–сўзлашув;
- 2) адабий тилнинг китобий услублари–сўзлашув услуби;
- 3) тилнинг адабий варианты–адабий бўлмаган варианты [36, 63].

Тилнинг жамиятда тўлақонли ҳаракатланиши бир нечта йўналишларда намоён бўлиб, уни тилнинг ижтимоий нуқтаи назардан турлича таснифланишида ҳам кузатиш мумкин: 1) ҳудудий дифференциация; 2) нутқнинг моддий кўриниши бўйича дифференциация; 3) нутқ жараёнида тил воситаларини йўналтириш бўйича дифференциация; 4) ижтимоий жамоа фаолияти типлари бўйича дифференциация; 5) инсонларнинг ижтимоий гуруҳи, аҳолининг ижтимоий қатлами бўйича ҳаракатланаётган тил дифференциацияси; 6) матнларнинг жанри ва типи бўйича дифференциация; 7) матнларнинг муаллифи бўйича ҳаракатланаётган тил дифференциацияси [37, 87].

Кўриниб турганидек, тилнинг мазкур йўналишларда ҳаракатланиши унинг жамият билан бевосита боғлиқлигини билдиради ва бу ўз ўрнида, тилнинг ижтимоий хусусиятлари ҳақида гувоҳлик беради.

Тил ва жамиятнинг узвийлик қонуниятини айрим тилшунослар тилни халқ яратишда, тил жамият тараққиёти билан бирга такомиллашишида халқнинг маданий ва ижтимоий-тарихий тараққиёти тилда акс этишида кўради [63, 35]. Тил ва жамият алоқадорлик тамойилининг маълум компоненти жамиятдаги ўзгаришларга оид янги тушунчалар ва уларни ифодаловчи янги сўзлар тилда ҳам ўз ифодасини

топиши билан боғлиқлиги И.Йўлдошев ва б. томонидан қайд этилади [63, 36].

Бундан маълум бўладики, тилнинг ижтимоий хусусиятлари асосан унинг ижтимоий функциялари орқали ўзифодасини топади.

Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги тилнинг ривожланиш мезонини жамиятнинг ҳолати белгилайди деб ҳисоблашлари бежиз эмас, албатта, Л.И.Исаевнинг таъкидлашича, “ўзи ижтимоий ривожланишнинг паст босқичида бўлган халқнинг тили ривожланган бўлолмайди. Аксинча, юксак маданиятга эришган миллатнинг тили ривожланмаган бўлиши мумкин эмас” [62, 82]. Демак, тил жамият тараққиёти даражасига мос равишда ривожланади, уни қўллаш имкониятлари ҳам шунга мос тарзда кенгайди.

Инсоният тарихидан маълумки, тил жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланган, тилнинг грамматик курилиши такомиллаша бориши ҳам унинг тараққиёти жамият тараққиёти билан узвий боғлиқ эканлигидан далолат беради [116, 22].

3. Холманованинг тил ва жамият ўртасидаги алоқадорлик қонуниятлари борасидаги қарашларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, тил ва жамиятнинг бир-бирига алоқадорлик қонунияти тилнинг жамият тараққиётига ва аксинча, жамиятнинг тил ривожланишига ўзаро таъсири орқали белгиланишини алоҳида эътироф этамиз.

Ю.Д. Дешериев ўз давридаёқ “бир ҳудудда деҳқончилик, бошқасида чорвачилик ёки ўрмончилик, давлат пайдо бўлиши, бошланғич мактаб, олий ўқув юрти, хўжалик ва ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларининг ривожланиши, одамнинг онгли фаолияти натижасида тузилган ёзув, фан, маданият, санъатнинг турли соҳаларида ривожланиш, вақтли матбуот, кино, телевидениенинг пайдо бўлиши ва ҳоказо каби жамиятдаги янгиликлар” ўша халқнинг тилида ўзифодасини топишини қайд этиб ўтган эди [56, 67].



Ю. Д. Дешериевнинг бу фикри тил ва жамиятнинг бири-бири билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Бу қонуният тил ривожланиши бевосита жамият тараққиёти билан боғлиқлиги назарияси билан изоҳланади. Зеро, жамиятнинг турли соҳаларидаги ўзгаришлар ва ривожланишлар тилнинг ички системасида ҳам сезиларли ўзгаришларнинг юзага келишини тақозо қилади. Хусусан, тил иерархиясининг барча сатҳлари (фонетика, фонология, грамматика (морфология ва синтаксис) ва лексикадаги ўзгаришлар ва ривожланишлар бевосита жамият ҳаётидаги ва унинг барча соҳалари (таълим, фан, маданият, спорт, сиёсат, дин ва ҳ.к.)даги ривожланишлар билан узвий боғлиқдир.

Шундай қилиб, жамиятнинг тилга ўтказган таъсири билан бир қаторда, тил ҳам жамиятга, жамиятнинг тараққиётига сезиларли таъсир ўтказади. Шу ўринда, қайд этиш жоизки, тил ва жамиятнинг ўзаро таъсир жараёнида жамиятнинг тилга таъсир доираси анча кенг. Шу маънода, тил жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётида катта ўрин тутади ва айни вақтда инсон тафаккурини ривожлантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Жамият эса бу борада тилнинг ривожини учун асосий ижтимоий муҳит шаклланишига замин яратади.

Т. Б.Крочкова ўтган асрдаёқ жамиятнинг тилга таъсири турли даражада ва турли шаклларда намоён бўлишини кўрсатиб ўтган эди:

1) жамият тил ривожланишига ёки унинг секинлик билан истеъмолдан чиқишига қодир бўлади;

2) жамият ёзувни яратиш йўли билан, мактабларда, олий ўқув юртларида ўқитишни ташкил этиш билан, адабиёт нашр этиш ва шу қабилар билан тилнинг ижтимоий функцияларини кенгайтириш имкониятларини яратади;

3) жамият тилнинг товуш қурилиши, морфологик, синтактик, стилистик, лексик-семантик хусусиятларини

яхшилаш ёки нормага келтиришга алоқадор бўлган ҳар қандай мақсадли ҳаракатни амалга ошириш имкониятига эга;

4) жамият тилларнинг ўзаро алоқаси жараёнини бошқариш, қисман чет тиллардан ўзлаштирилган сўзларни керакли йўсинда йўналтириш ҳуқуқига эга бўлади;

5) ниҳоят, тилдаги маълум метёрдаги ўз-ўзидан (ташқи таъсирсиз) юзага келадиган ўзгаришлар жамиятнинг онгли таъсирига тушиб қолади [67, 69].

Тилшунос Н.Улуқовнинг ёзишича, замонавий тилшуносликда социолингвистик тадқиқотлар ўтказилишининг долзарблиги бугунги жамиятда тил сиёсатининг илмий асосланишига талабнинг ошиши ва тилнинг ички структурасинигина мукамал ўрганиб, унинг жамият билан, ўша тил эгаси бўлган халқ маданияти билан муносабати муаммосини ўрганиш шу кунгача эътибордан четда қолди [113, 27].

Демак, жамиятнинг тилга таъсири қуйидагиларда акс этади: а) тилнинг ривожланишида ёки истемолдан бутунлай чиқиб кетишида муҳим аҳамият касб этади; б) тил системаси (фонетика, фонология, грамматика, лексика)нинг ривожланишига таъсир этади; в) тил ижтимоий функцияларининг кенгайишига олиб келади; г) тилларнинг ўзаро алоқаларига таъсир этади ва ўзаро ривожланишига сабабчи бўлади; д) тилнинг ўзгаришларига бевосита таъсир ўтказилади.

Тил миллат, элат, қабиланинг энг асосий белгиси сифатида шу тилда сўзлашувчиларнинг ижтимоий, ижтимоий-худудий, ижтимоий-профессионал фарқларини намоён қилади [53, 6]. Тилнинг ижтимоийлиги шундаки, тил жамиятдан ташқарида бўлса бир нуқтада қотиб қолади, тилдан жамият аъзолари фойдаланмаса, у ўлик тилга айланади. Демак, тилсиз жамият, жамиятсиз тил бўлмайди. Бу икки тушунча бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди.

Маълум бўладики, тил, жамият ва тилдан фойдаланувчилар ўзаро алоқадор бўлиб, бир-бирининг ривожлани-

шида ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Яъни, жамият тилнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиб беради, тил эса, ўз ўрнида, жамият аъзоларига бир-бири билан мулоқотга киришиш имконини яратади ва алоқа қуроли сифатида тилдан фойдаланувчиларга жамиятнинг турли соҳаларида ўзгариш ва ривожланишларни амалга ошириш имконини яратиб беради. Бошқача қилиб айтганда, “кишилиқ жамиятнинг асрлар давомида бутун тарихий жараёнида маълум бир гуруҳ томонидан эмас, балки бутун жамият ва жамиятнинг аъзолари томонидан яратилган ижтимоий ҳодиса” [30, 67] ҳисобланувчи тил ўз табиатига кўра жамиятда юз бераётган жараёнлар инъикосидир.

Ижтимоий жараёнлар тилнинг ривожланиши ва тараққий этишининг ижтимоий омиллари бўлиб хизмат қилади. Зеро, Фердинанд де Соссюрнинг издошларидан бири А.Мейе фикрича, сўзларнинг маъноси ўзгаришига контекстдаги ички турткилар ва психологик жараёнлар эмас, балки уларнинг ортида турган ижтимоий омиллар сабаб бўлади [53, 20]. Жамият тараққиёти ва луғат таркибининг ўзгариши, сўзларнинг кенгроқ ёки, аксинча, торроқ доираларда қўлланиши ёхуд бошқа маъно касб этиши ўртасида боғлиқлик мавжуд: қайси бир жамият юксак тараққий этса, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маиший ҳаётида бўлаётган барча янгиликлар, ўзгаришлар ифодаси шу жамият тилининг луғат таркибида акс этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тилнинг асосий хусусиятларидан бири у ўзида ижтимоий жараёнларни акс эттиришидир. А.Мейеннинг фикрларига қўшилган ҳолда, эътироф этиш керакки, ижтимоий омиллар тилнинг ички ва ташқи тузилмасига таъсир этаркан, энг аввало, тилнинг луғат таркиби (сўз маънолари эволюцияси, услубий чегаралари, неологизмлар)га таъсир этади. Зеро, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий жараёнлар натижасида янги тушунча, ҳодиса ва белгилар пайдо бўлиб, уларни номлаш муаммоси юзага

келади ва тилнинг луғат таркибида маълум даражада ўзгаришларга сабаб бўлади. Бунда, тил ижтимоий ривожланишида ижтимоий омилларнинг ўрни алоҳида таъкидланади.

В.В. Виноградов адабий тил муаммоси нафақат тил билимининг ўзига хос, мустақил соҳаси, балки социолингвистиканинг ҳам муҳим муаммоси эканлигини айтиб ўтган эди [53, 20]. Чунончи, социолингвистика тил ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабат, тилнинг ривожланишида жамиятнинг ўрни, ундаги ижтимоий соҳалар билан боғлиқ тил вариативлиги, ижтимоий омилларнинг тилнинг ички ва ташқи тузилмасига таъсирини ўрганувчи фандир.

Социолингвистика “жамиятнинг яшаш ва ривожланишида тилдаги ижтимоий ҳаёт, яъни ташқи-экстралингвистик омилларнинг таъсири натижасида ҳосил бўлган ҳодисаларни, жараёнларни, ўзгаришларни таҳлил қилиб боради. Демак, социолингвистика ижтимоий омилларнинг тилга қандай таъсир қилиши, тил системасида (структурасида) қандай намоён бўлиши, қандай шаклда акс этиши кабиларни тадқиқ қилади” [93, 166-167]. Бундан келиб чиқадики, социолингвистиканинг асосий вазифаси тил ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлашдир.

Тил ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлиги масаласи куйидаги йўналишларда ўрганилади:

1) тилларнинг функционал-типологик таснифи ва унинг бошқа таснифлар орасида тутган ўрни;

2) оғзаки ва ёзма адабиёт (филология фанлари) ва социолингвистика назарияси (тил назарияси ва ижтимоий тил амалиёти ўзаро муносабати сирасида);

3) тил эвристикаси ва онтологияси соҳасида социолингвистика;

4) тилшунослик тарихида тилнинг ижтимоий шартланганлик муаммоси; лингвистик аксиология ва ижтимоий тилшунослик;

5) тил вазиятларининг типологияси;

- 6) тилни илмий бошқариш муаммоси;
- 7) жамият;
- 8) социолингвистик нуқтаи назардан тил ривожланиши [67, 72].

Бундан маълум бўладики, тил ва жамият ўртасидаги алоқадорлик қонуниятини очиб беришда қуйидаги ҳолатлар алоҳида эътироф этилади: а) тил функциялари ва турларини таснифлаш муаммоси; б) оғзаки ва ёзма адабиёт соҳасидаги изланишлар; в) тил эвристикаси ва онтологияси масалалари; г) тилнинг ижтимоий шартланганлик муаммоси; д) тил тадқиқи; е) жамият; ж) тил ривожланиши масаласи.

Рус тилшуноси Ф. М. Березин тил ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлигини инсон тилининг ижтимоий табиати; тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг ижтимоий шароитлари; тил ва одамларнинг тарихий муштараклиги; адабий тил шаклланиши ва тил нормасининг ижтимоий шароитлари; тилнинг алоҳида тармоқлари ривожланишининг бир хил эмаслиги (бу жамият талабидан келиб чиқади); тил структураси дифференциациясининг ижтимоий шароитлари; функционал тил тузилмалари ва жамият; жамиятнинг онгли равишда, бирон мақсадга йўналтирилган ҳолда тилга таъсир ўтказиши; жамиятнинг тилга қарамлиги; нутқ маданияти муаммоси тилнинг ижтимоий татбиқ этилиши муаммоси сифатида; тил ва илмий-техник революция таъсири каби кўрсаткичлар тил ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлигини тавсифлайди. [36, 50].

Шундай қилиб, тил маълум ижтимоий омиллар таъсирида ривожланар экан, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар унда ўз аксини топиб, унинг тараққиётини белгилайди. Ўз навбатида, тил жамият манфаатларини қондириши учун унинг талабларидан келиб чиқиб ўзгаради, унинг ижтимоий функциялари янада фаоллашади.

Тил ва жамият алоқадорлигининг қонунийлиги ижтимоий омиллар ва ижтимоий функциялар масалаларини ўрганишни тақозо қилади.

## 1.2. Тил ривожланишига таъсир қилувчи ижтимоий омиллар

Ҳар бир даврда, ижтимоий шароитда кишиларнинг бир бирлари билан мулоқотда бўлишига зарурат туғилади. Шу мақсадда кишилик жамиятида тил вужудга келиб, у тил инсонларнинг ҳаёти давомида улар фаолиятининг деярли барча турларида ишлатилади.

Тилшунос Ю. С. Масловнинг тадқиқотларига кўра, ҳар бир тил инсоният маданияти ривожланишининг шарти сифатида белгиланган мукамал муомала воситаси ҳисобланади [71, 4].

Тил мулоқотда бўлувчи жамият аъзоларининг ўзларининг тилига бевосита ва билвосита таъсири, жамиятдаги маълум шарт-шароитлар, жумладан, тилнинг жамиятдаги функцияларига боғлиқ бўлган ижтимоий омиллар асосида ривожланади. Тилларнинг кишилик жамияти ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ўзгариши бунинг яққол далилидир [71, 190].

Ижтимоий омил — бу ижтимоий факт ёки аниқ кишилик фаолияти доирасида жамиятдаги турли структураларнинг тизимли ташкил қилинган ижтимоий ҳаракатидир. Ижтимоий омил нутқ фаолияти жараёнида тил ижтимоийлигини конкрет кўрсатишни таъминлайди. Ижтимоий омилларнинг турли-туманлиги тил ижтимоийлигини конкрет кўрсатишнинг турли-туманлигига сабаб бўлади [56, 7]. Ижтимоий омилларнинг тил ҳаракатланиши, ривожланиши ва тилларнинг ўзаро муносабатига таъсири моддий ва маънавий маданиятга асосланган бўлиб, улар жамиятнинг ҳамма соҳаларида кузатилади.

Одатда, ижтимоий омил деганда ижтимоий, тарихий, иқтисодий, маданий, мафкуравий ва бошқа экстралингвистик шароитлар ва тилнинг ички структурал ва функционал ривожланиши асослари тушунилади. Бу омилларнинг ҳаммаси тилга, унинг ҳар бир алоҳида тармоғига турлича таъсир ўтказади ва шу омилларнинг ижтимоий табиати ва улар таъсир ўтказиб турган тил тармоқларининг хусусиятлари билан мос равишда турли миқдорий ва сифат параметрларига эга бўлади [34, 110]. Бундан шуни англаш мумкинки, ижтимоий омиллар юқорида тилга олинган турли шарт-шароитлар негизда вужудга келиб, тилнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этар экан, авваламбор, тилнинг ички структурал хусусиятлари ўзгаришига ва унинг функционал ривожланишига ўз таъсирини ўтказади. Бу ўзгаришлар, албатта, тилнинг барча сатҳлари (фонетик, фонологик, грамматик ва лексик сатҳлар)га ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Ижтимоий шартланган омилларга ижтимоий-иқтисодий формация, ишлаб чиқариш воситалари, ижтимоий муносабатлар, мафкура, фан, маданият, санъат, адабиёт, жамиятнинг сиёсий тизими, тил сиёсати, таълим, оммавий алоқа, турмуш тарзи, жамият қарашларининг эстетик тизими ва шу қабилар қиради [56, 11]. Бу ўринда ижтимоий омиллар ва тилларнинг ўзаро таъсири хусусида гапириш ўринли. Ижтимоий омилларни юзага келтирувчи асосий шарт-шароитлар жамиятнинг барча соҳалари (ишлаб чиқариш, иқтисод, сиёсат, фан, маданият, санъат, бадиий адабиёт, таълим ва ҳ.к.)даги ўзгариш ва ривожланишлар билан боғлиқдир. Хусусан, бундай ўзгариш ва ривожланишлар тилда янги тушунча ва ҳодисалар, номинация ва формация ҳодисаларининг юзага келишини таъминлайди. Янги тушунчалар ўз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда маълум номланиш ва шаклланишга эга бўлиб, тилда ўз ўрнини ва вазифасини аниқлаб олади.

Тил ривожланиши ва ҳаракатланишининг ташқи, экстралингвистик шароитлари тил системасини ўз ичига олган ва унинг структурал типологик хусусиятлари ва функционал ривожланиш даражаси билан таъминланган ички, лингвистик омилларга қарши қўйилади. Ташқи (ижтимоий) ва ички (тил) омиллар йиғиндиси (биргаликда) бутун тил ва унинг алоҳида тармоқлари ривожланишини белгилайди [34, 110]. Тил ривожланишида фақатгина ташқи (экстралингвистик) омиллар эмас, балки ички (лингвистик) омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, тилнинг айнан ижтимоий ривожланишида, унинг ижтимоий функциялари ва ижтимоий мақоми кенгайишида ҳар икки омил ўз ҳиссасини қўшса-да, ташқи (ижтимоий) омиллар алоҳида ўрин тутади. Шу боис ҳам, бизнинг фикримизча, тилнинг ижтимоий ривожланиш хусусиятларини аниқлашда унинг ижтимоий функциялари кенгайиши ҳодисасини алоҳида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

*Ижтимоий омиллар* тушунчаси максимал ва минимал ижтимоий маъноларда қўлланилади. Максимал маънодаги ижтимоий омилларга ижтимоий, назарий, мафкуравий, сиёсий маънодаги омиллар кириб, улар тилларга, уларнинг ҳаракатланишига, ривожланишига ва ўзаро муносабатига кучлироқ, маълум таъсир кўрсатади [56, 11].

“Минимал ижтимоий маънодаги ижтимоий омиллар матн, гап, сўз бирикмаси ва унинг қисмлари ва, шунингдек, маъно бериш учун хизмат қилувчи ёки мафкуравий мазмундаги вазифаларни бажарувчи (сўз ва сўз бирикмасини грамматик яшаш, сўз ва сўз бирикмаси маъноси, ўзлаштира сўз ёки калькалаш, алоҳида сўз ва сўз бирикмаси ва уларнинг элементларини яшаш модели ва шу каби) алоҳида сўзлар, уларнинг қисмлари, элементлари кириши мумкин” [56, 11]. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий омиллар тилнинг ижтимоий ривожланишига қўшган ҳиссасига кўра максимал



ва минимал маъноларда таърифланиши мумкин. Бунда максимал ижтимоий омиллар тилнинг ижтимоий ривожланиши ва жамиятда эркин ҳаракатланиши учун зарурий шарт-шароитлар яратиш имконини беради. Минимал ижтимоий омиллар сифатида эса матн, гап, сўз бирикмаси, сўз каби тилнинг турли сатҳларидаги бирликлари ва уларнинг асосий таркибий қисмлари (элементлар)и эътироф этилади. Қайд этиш жоизки, максимал ва минимал ижтимоий омиллар биргаликда у ёки бу кўринишда тилнинг ижтимоий ривожланишида асос бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий омиллар ижтимоий-сиёсий терминология ва лексиканинг шаклланиши, ҳаракатланиши ва хусусиятларига муҳим таъсир кўрсатишини [67, 72] ҳисобга олиб, куйидагиларни фарқлаш зарурлигини эътироф этамиз:

1) ижтимоий омилларнинг тил ривожланиши жараёнига табиий таъсири;

2) тил ҳаракатланиши ва ривожланишига, унинг бошқа тиллар билан ўзаро таъсирига жамиятнинг онгли таъсири [52, 25].

Ҳар қандай жамиятнинг тил муаммоларига онгли ара-лашуви аниқ мафкуравий ҳолатлар билан амалга ошади ва ижтимоий талаб вазифаларига боғлиқ бўлади [Туманян, 1984; 1981; 1988]. Бундан маълум бўладикки, тилнинг ривожланишида ижтимоий омилларнинг аҳамиятини тўғри баҳолаш ва унинг ички имкониятлари орқали ривожланиш хусусиятларини ҳам алоҳида эътибор билан тадқиқ этиш жоиздир.

Ижтимоий омил ўз ичига куйидаги бир нечта элементларни олади: ҳаракат субъекти (фаол ҳаракатланувчи куч), ҳаракат субъекти тегишли бўлган муҳит, ҳаракат объекти тегишли бўлган муҳит, субъект ҳаракати мақсади ва вазифалари, субъект ҳаракати воситалари, таъсир объекти (унга субъект фаол ҳаракатланувчи куч сифатида ҳаракат қилаётган объект) [56, 8]. [Қаранг: 1.1-чизма].

Чизманинг умумий мазмунидан маълумки, ижтимоий омиллар кенг қамровли ва мураккаб тушунча бўлиб, ўз ичига бир гуруҳ элементларни олади. Бундай элементлар ҳаракат субъекти ва объектига тегишли муҳит, субъект ҳаракати мақсади ва вазифалари ҳамда ҳаракати воситалари, таъсир объекти кабилардан ташкил топади. Бу компонентларнинг ҳаммаси бирикиб, ижтимоий омилларни юзага келтиради ва жамиятда фаол ҳаракатланишига таъсир этади.

Ижтимоий омиллар ўз табиати ва тилда ифодаланишнинг хусусиятларига мувофиқ усули, вақти ва тилга таъсири натижасига кўра қуйидагича таснифланади [52, 25]. [Қаранг: 1.2-чизма].

1.1-чизма

**Ижтимоий омилнинг асосий элементлари**



Ижтимоий омиллар ижобий ва салбий, диахрон ва синхрон, субстрат ва суперстрат, табиий ва онгли ҳамда бевосита ва билвосита таъсир этувчи ижтимоий омилларга бўлинади. Қайд этиш керакки, ижтимоий омиллар тилнинг

ривожланишига у ёки бу кўринишда таъсир этувчи ва кенг қамровли бўлиб, уларнинг тил ривожланишида ижтимоий аҳамияти катта.

Ижтимоий омиллар тавсифи улар жамиятнинг қайси соҳаларида аҳамиятлилиги билан белгиланади [56, 13-14]. Демак, бундан маълум бўладики, ижтимоий омиллар нафақат тил ривожланишида, балки тил жамиятнинг қайси соҳасида ривож топаётганлигини аниқлашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқот жараёнида тил ижтимоий функцияларига таъсир қилувчи ижтимоий омилларнинг ўндан ортиқ тури аниқланди ҳамда уларнинг айримларини қуйидаги шаклда беришни жоиз деб билдик [қаранг: 1.3 - жадвал].

1.2-чизма

### Ижтимоий омиллар таснифи



Тилдаги ҳар бир ижтимоий омил унинг ривожланишига, бойишига туртки бўлади. Бу омилларнинг энг

этиборга молиги, тилда катта ўзгаришлар юзага келишига сабаб бўлгани республика кўлга киритган сиёсий омил — унинг мустақилликка эришуви бўлди.

### 1.3 — жадвал

#### Тил функцияларига таъсир қилувчи ижтимоий омиллар

№	Тил функцияларига таъсир қилувчи ижтимоий милларнинг турлари	Ижтимоий омилларнинг тил функцияларига таъсир қилишининг даврийлиги
1.	Оммавий алоқа, таълим системаси ва шу кабилар юзага келтирган макросоциал (глобал), микросоциал (хусусий) омиллар	Адабий тил меъёрлашуви жараёнини фаоллаштиради ва адабий тилдан фойдаланишни жадаллаштиради, илм-фан ва технология ютуқлари туфайли юзага келган янги тушунча ва терминлар тилнинг луғат таркибини бойитди
2.	Диний мафкура вакилларининг ижтимоий ҳаёти юзага келтирган позитив ва негатив ижтимоий омиллар	Диний соҳада архаизмлар қайта фаоллашди ва тилнинг диний соҳадаги функциялари кенгайди
3.	Тилларнинг ўзаро таъсири (тил бойиши ёки ёлғизлашуви)ни юзага келтирган ижтимоий омиллар	Кўшни халқлар тилларининг ўзаро таъсири ва икки тиллилик ҳодисаси тил функцияларини кенгайтди
4.	Мафкуравий мазмундаги (мафкура, тил сиёсати, тил бирликларини мафкуравий англаш ва шу каби) ижтимоий омиллар;	Миллий қадриятлар ва маънавий меросларнинг тикланиши тилнинг маълум миллат ёки ижтимоий жамоа учун хизмат қилиш функциясини янада фаоллаштиради, мустақиллик омили, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, илмий-тадқиқот ишларининг ўзбек тилида бажарилиши ижтимоий функцияларнинг ривожланишига

		олиб келди
5.	Ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини ахлоқий-этик англашдаги ижтимоий омиллар.	Ижтимоий тизим ўзгариши, жамият соҳаларининг ривож-ланиши, жамият аъзолари томонидан алоқа воситаси сифатида истеъмолда бўлиши, мазкур тилда сўзлашувчи халқнинг мавжудлиги тилнинг ижтимоий функциясини кен-гайтди

Бунинг натижасида ўзбек тилининг ижтимоий функциялари сезиларли кенгайди, жамиятнинг ҳамма соҳаларида эркин ишлатилиб, мавқеи ошди.

Жаҳон тилшунослигида дунё халқлари тиллари, уларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, йўқолиб кетишига турли хил тилларда мисоллар учратиш мумкин. Бу жараён ҳар бир тилда турли ижтимоий муҳит натижасида турлича кечади. Собиқ Иттифоқ ҳокимияти ҳукмронлик йилларида ўзбек тили ривожланишдан бирмунча ортда қолди. Бу жараённи тилшунослар турлича изоҳлади. Демак, тилнинг ривожланиши ёки, аксинча, унинг истеъмолдан чиқиб кетишида маълум ижтимоий муҳит зарур бўлади. Мазкур назарий қараш тилшунос В.Д. Бондалетовнинг “жамиятда тил ривожланиши учун унга маълум бир ижтимоий шароит керак. Бу ижтимоий шароитлар тил ривожланишининг даражаси билан ўзаро боғланади”[40, 88] деган фикрида ўз ифодасини топган.

Ижтимоий шароитлар ўзгариб туради. Ижтимоий шароитлардан келиб чиқиб, тилнинг ижтимоий функциялари кенгайиб боради. Бунга Биринчи жаҳон урушидан кейин Россияда француз тилининг мавқеи ошганлиги, XX аср бошларидан бошлаб бутун дунёда инглиз тилининг кенг тарқалганлиги ва халқаро алоқанинг турли соҳаларида кенг ишлатилаётганлиги мисол бўла олади. Бундай ҳаётий мисоллар ва вазиятлар тил ривожланишида муайян ижтимоий муҳит муҳим аҳамият касб этишини яна бир бор исботлайди.

Юқорида таъкидланганидек, тилнинг ривожланишида маълум ижтимоий муҳит зарур бўлиб, мазкур ижтимоий муҳит тил ривожланиши учун қулай ижтимоий шарт-шароит яратади. Тилнинг ижтимоий ривожланиши, ижтимоий функцияларининг кенгайиши ва тилнинг ички структурал имкониятлари кенгайишида бевосита ижтимоий муҳитнинг аҳамияти катта. Бу фикрни асослаш учун тарихга назар солиш kifоя. Масалан, ўзбек тили мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, мустақилликкача бўлган даврда ўзбек тилининг ижтимоий мавқеи сустрлашган, ижтимоий функциялари чекланган ва мулоқот воситаси сифатида фойдаланиш даражаси нисбатан паст эди. Бундай ижтимоий муҳит ўзбек тили ривожланишига салбий таъсир кўрсатди, унинг жамиятда ривожланиши учун етарли шарт-шароит мавжуд эмас эди.

Мустақилликдан сўнг республикада ижтимоий муҳит ўзгарди: энг аввало, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, унинг ижтимоий мавқеи оша бошлади, жамиятнинг барча соҳаларида, давлат ташкилотлари ва идораларида ўзбек тилидан расмий иш юритиш тили сифатида фойдалана бошланди ва ўзбек тили тараққиётида муҳим аҳамиятга молик илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Хусусан, ўзбек тилида турли муносабатлар ва категориялар ифодаланиш муаммоларига оид ишлар Д. А. Абдуллаева [2010]; Д. Т. Абдуллаева [2001]; С.Ў.Боймирзаева [2010]; Э.И. Ибрагимова [2001]; Л.Х. Нигматова [2004]; Н.А.Тухтаходжаева [2017]; Н.Ж. Ширинова [2010]; Ҳ.Н. Шокирова [2009]; М.В.Эргашева [2011] ва б. Томонидан; ўзбек тилида терминология масалаларига бағишланган ишлар Ҳ. Дадабаев [1991]; И.Х.Пардаева [1991]; О.М.Пўлатова [2001]; П.Нишонov [2001]; Г.Ё. Ғуломова [2005]; О.С. Ахмедов [2016]; Х.Д.Палуанова [2016]; Д.Х. Кадирбекова [2017]; Ш.Н.Абдуллаева [2018]; Д.С.Саидқодирова [2018] ва ўзбек тили тизимининг тадқиқига оид изланишлар А.Э. Маматов [2000]; А.С. Мусаев [2000]; С. Махматкулов [2004]; О.О. Базаров [2004]; Ф.С. Сафаров [2004];

З.Н. Пардаев [2004]; А. Абдусаидов [2005]; М.Й.Вафоева [2009]; К.О. Сапарова [2010]; И.Р. Казаков [2011]; С.Э. Кенжаева [2011]; О.С. Юсупова [2011]; Я.И. Авлокулов [2012]; Д.А.Ғаниева [2012]; А.Х.Тўрахожаева [2012]; Ш.М. Султонова [2018] ва б. ўзбек тилшунос олимлари томонидан олиб борилган. Бундай ижтимоий муҳит ва илмий-тадқиқот натижалари ўзбек тилининг ривожланиши, хусусан, ижтимоий функцияларининг кенгайиши учун тегишли шарт-шароитни таъминлади.

Биз ўз диссертацион ишимизда ижтимоий омилларнинг жамиятнинг ижтимоий тизими ўзгаргани ва бунинг натижасида унинг иқтисоди, ишлаб чиқариш соҳаси имкониятлари кенгайганлиги, илм-фандаги ўзгаришлар, адабиётдаги янгиликлар, янги оқимлар, ҳокимият орган-ларидаги ўзгаришлар, мафкуравий жараёнлар каби ижтимоий омиллар тилнинг тараққий этишига сабабчи бўлган асосий ташқи шароитлар сифатида белгиладик.

Халқнинг миллий қадриятлари – даҳо боболаримиз хотираси, беқиёс тарихий обидалар, бошқа ҳеч бир халқни-кига ўхшамаган миллий маънавиятимиз, маънавий меросимиз тикланди. Ўз тарихий заминимизда тўла эркинлик ва мустақиллик асосида ривожланишимизнинг асосий йўналишлари белгиланади. Жамиятдаги мана шундай ижтимоий шароитлар тилимизнинг тараққий этиши учун замин яратди. Аксинча, мустақилликкача бўлган йилларда жамиятдаги миллий маданиятни, тилни, урф-одатлар ва анъаналарни йўқотишга бўлган ҳаракатлар, уларни эслаш-нинг ҳам имкони йўқлиги, миллий манфаат ва анъаналар тўғрисида гапиришнинг тақиқланиши каби ижтимоий шароитлар эса, тилнинг ижтимоий ривожланишига тўсик бўлди. Демак, маълум бўладики, жамиятдаги шарт-шароитлар ўз ўрнида тилнинг ривожланишига ёки турғунлашувига замин яратади.

Жамиятдаги шароитларнинг тилга салбий таъсирини куйидаги мисол орқали яққол кўрсатиш мумкин: барча қардош республикаларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам

фуқароларнинг ўзаро мулоқот воситаси мавқеида рус тили сунъий равишда киритилиб кўйилгани учун ҳам миллий тил тараққиётида сезиларли даражада ўзгаришлар бўлмади. Ўзбек тилининг тараққий этишига мазкур ижтимоий муҳит маълум даражада ўз салбий таъсирини ўтказди.

Маълумки, ҳар қандай тил агар ҳар томонлама босим остига олинса, ижтимоий қўлланилиш доиралари чегараланса, асосий мулоқот воситаси сифатида жамият аъзолари томонидан фойдаланилмаса, ўз-ўзидан ривожланишдан тўхтади ва оқибатда истеъмолдан чиқиб боради. Тилнинг ривожланишдан тўхташида миллий қадриятларни чеклаш, бадий адабиёт, илм-фан ва санъат соҳаларида ижодий фаолиятни чегаралашга уринишлар ҳам маълум даражада ўз хиссасини кўшади. Шу маънода, қайд этиш мумкинки, миллат неча кишидан иборат бўлмасин, унинг сонидан қатъий назар, она тилига эгалик қилиши, миллий маданияти ҳамда миллий руҳи бўлиши керак. Она тилисини йўқотган миллат ўзини ҳам йўқотиши мумкин.

“Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз худудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади” [152, 137]. Тил ривожланиши учун ундан мулоқот воситаси сифатида ўз миллий маданияти, руҳига эга ҳамда миллий ўзлигини англаган ва қалбида миллий ифтихор шакланган миллатнинг фойдаланиши талаб этилади. Шундагина миллат ўз тилини ривожлантиради ва унинг ривожланиши, ҳаракатланиши учун қулай муҳит яратиб беради. Демак, тил ривожланишида ўша тилда сўзловчиларнинг ўрни ва аҳамияти катта.

1989 йил 21 октябрда “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинди. Унга асосан, республикамызда давлат тили ўзбек тили деб белгиланди. Бу қонуннинг қабул қилинишида кўпгина олимлар, адиблар, давлат ва жамоат арбобларининг



хизматлари катта бўлди. Кейинчалик бу қонун Ўзбекистон Конституциясининг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикаси давлат тили ўзбек тилидир” деб белгиланиб мустақамланди ва бу билан давлат тили ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинди. Ўзбек тили республикада олий даражадаги анжуманларда ҳам қўлланиладиган, давлатнинг расмий ҳужжатлари юритиладиган, ривожланиш истиқболи қонун билан белгиланган тилга айланди. Ана шу нуқтаи назардан бу қонуннинг тарихий аҳамияти каттадир [38, 17]. Мазкур омил натижасида ўзбек тили ижтимоий функцияларининг мулоқот жараёнида қўлланилиши фаоллашди: ўзбек халқининг она тилиси даражасидан республикада яшовчи туркийзабон халқларнинг миллатлараро алоқа воситаси сифатида шаклланиши кўп миллатли Ўзбекистон Республикасининг мафкуравий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида айниқса долзарб аҳамият касб этади. Бу миллий тилнинг бойиши ва ривожланишига олиб келди. Шундай қилиб, ўзбек тилининг ривожланишида унга давлат тили мақоми берилиши муҳим ижтимоий омил сифатида намоён бўлди.

Шу ўринда қайд этиш мумкинки, А. Содиқов [1981]; М.Т. Ирисқулов [1992]; Н. Маҳмудов [1995]; О. Азизов [1996]; А. Нурмонов [2002]; Ҳ.А.Жамолхонов [2005]; Х. Муҳиддинова [2006]; Ш. Раҳматуллаев [2006]; И.Йўлдошев [2007]; Р.Расулов [2007]; З. Холманова [2007]; А. Ҳожиев [2007]; Қ.Сапаев [2009]; А.А.Абдуазизов [2010]; Н. Улуқов [2016] каби қатор ўзбек тилшуносолимлари ўзбек тилининг ижтимоий ривожланишида унга давлат тили мақоми берилиши ва мустақиллик каби ташқи омилларнинг ролини эътироф этади.

Қайд этиш жоизки, ўзбек тилининг давлат тили мақоми олиши ва мустақиллик омили ўзбек тилининг жамиятимизнинг барча соҳаларида қўлланилиши ва янада ривож топишига кенг имкониятлар эшигини очди, мустақиллик туфайли юз берган ўзгаришлар, янгиланишлар ўзбек тили лексикасининг ривожига салмоқли таъсир кўрсатди. Бундай ижтимоий омил ўзбек тили тараққиёти учун замин яратди.

И. Йўлдошев ва б. эътирофича, ўзбек тили луғат таркибининг бойиши ва такомиллашувида ташқи манба муҳим роль ўйнаган [63, 10].

А. Тўрахожаева ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг ривожда мустақиллик омилини макросоциал омил сифатида эътироф этади. Тил ривожда, айниқса, тилнинг луғат таркиби бойишида мустақиллик омили муҳим рол ўйнашига диққат қаратади [110, 6].

Ҳ. Жамолхоновнинг фикрича, тил тараққиёти лингвистик ва экстралингвистик омиллар орқали белгиланади. Лингвистик омилларга муайян бир тилнинг структуравий ва системавий хусусиятлари (фонемалар тизими, луғат бойлиги, морфема типлари, сўз ясаш моделлари, грамматик қурилиши, лексик, грамматик бирликларнинг семантик ва функционал хусусиятлари) кирса, экстралингвистик омилларга ижтимоий тузум формалари, тарихий жараёнлар, халқлар ва миллатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий алоқалар, илм-фан ривож, ишлаб чиқариш ва техника тараққиёти, ижтимоий тафаккур, инсон руҳияти, ҳис-туйғулари, тил ва ёзувга оид қонун ва фармон қабилар мисол бўлаолади [58, 7].

Оммавий ахборот воситаларининг тилга таъсири адабий тилнинг меъёрлашуви жараёнини фаоллаштиришда намоён бўлади. Адабий тилнинг оғзаки шакли унинг оммавий ахборот соҳасида қўлланилиши билан алоқада, шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг анжуманлар, кенгашлар, йиғилишлар, мажлислар ва шу каби шаклларининг ривожланиши билан боғлиқ равишда ўз мавқеини оширади [75, 160]. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, унинг ижтимоий функциялари кенгайишида, мулоқот воситаси сифатида кенг фойдаланилиши ва адабий тил сифатида меъёрлашувида оммавий ахборот воситаларининг роли салмоқли бўлди. Ўзбек олимларининг мустақиллик ижтимоий омилининг қўлга киритилиши натижасида бу соҳадаги бир қатор илмий изланишлари, хусусан, Н. Маҳмудовнинг “Тил ва жамият”, “Тил”, “Сўзимиз ва ўзимиз”, “Маърифат

манзилларида” асарлари ўзбек социолингвистикасининг ривожланишида муҳим ўрин тутди [87, 222]. Бу ўзбек тилининг ижтимоий ривожланишида мустақиллик туфайли оммавий ахборот воситаларининг имконият ва вазифалари кенгайганлигидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик шарофати билан ўзбек тилининг мавқеи ва ўрни ошди ривожланган тил сифатида кенг доирада ижтимоий функцияларни бажара бошлади, дунё тиллари орасида обрўйи тикланди, республика худудида кенг тарқалди, юридик муносабатларда, ҳокимият органларида, расмий ҳужжатларда давлат тили сифатида қўллана бошлади.

Шундай экан, мустақиллик ижтимоий омили натижа-сида қайта тикланган энг аҳамиятли маънавий мерослардан бири ўзбек тилидир. Ўзбек тили жамиятда айни вақтда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларни, фан-техника, адабиёт, санъат каби жамиятнинг ҳамма соҳала-ридаги ўзгаришларни ўзида акс эттиради, сақлайди ва авлод-дан авлодга етказиб беради.

Кейинги ўн йилликлар ичида республикада тилга эътибор кучайганини жамиятнинг ҳамма соҳасида муҳим алоқа воситаси деб ҳисобланган тилда катта ўзгаришлар юз бераётганлигида кузатиш мумкин.

### 1.3. Тил ижтимоий функцияларини таърифлаш ва таснифлаш

Кўп қиррали ва мураккаб ҳодиса сифатида тилнинг ижтимоий функцияларига нисбатан қизиқиш йўқолмаган, аксинча, бу муаммо ХХI аср бошлари тилшунослигида ўзига хос ўрин тутди. Тилшунос олимлар тилнинг ижтимоий функцияларини, шу билан бирга уларнинг жамиятда ҳара-катланишини ўрганиш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилмоқдалар.

Тилнинг ривожланиш даражаси ўзи бажараётган функцияларнинг кенгайиши, яъни ижтимоий ривожланиш билан узвий боғлиқ [62, 82-83]. Жамият кўп тармоқлар, кўп соҳаларни ўз ичига олган ва улардаги ижтимоий ҳаётда тил асосий алоқа воситаси сифатида ишлатилиши ва шу билан бирга жамиятдаги ҳамма ўзгаришлар унда акс этиши баробарида жамият ривожланиши, такомиллашиши, унинг имкониятлари кенгайиши тилнинг ижтимоий функциялари ривожланишига олиб келади. Демак, тилнинг ижтимоий ривожланишини, ижтимоий мавқеи ошганлигини ва мулоқот воситаси сифатида бутун бир жамият томонидан фойдаланилаётганлигини унинг ижтимоий функциялари кенгайишида кўришимиз мумкин.

Тилнинг ижтимоий функциялари деганда унинг ижтимоий ҳаётнинг маълум бир соҳасида бажарадиган роли тушунилади. Мулоқот воситаси ва фикрлар алмашинуви учун хизмат қилувчи тилга ижтимоий ҳодиса сифатида қараш ва унинг ижтимоий функцияларини ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамият касб этади.

Тилнинг ижтимоий функциялари кенгайганлигини илмий тадқиқ қилиш тилнинг ҳозирги ижтимоий мавқеи қай даражада эканлигини, унинг ижтимоий ҳаётдаги роли ва аҳамиятини ва ижтимоий ривожланганлик ҳолатини аниқлаш имкони беради. Шунингдек, тил жамиятнинг қайси соҳасида кўпроқ ёки камроқ ривожланганлигини аниқлашда ҳам ўз аксини топади. Зеро, М.Т.Ирискулов ҳозирги кунда ижтимоий тилшунослик томонидан ҳал қилинган масалаларнинг юзасидан келтирган айрим хулосаларига кўра, уларда тил ва жамият ўзаро алоқадорлиги алоҳида аҳамият касб этиб, бу қуйидагиларда кўринади [60, 157]. [Қаранг: 1.4-чизма].

Кўришиб турибдики, тилнинг жамиятда ҳаракатланиши тилнинг ижтимоий функцияларининг кенгайишида, луғавий таркиби бойишида, ижтимоий муносабатлар, ижти-

мой тараққиёт суратининг жадаллашиб бориши, адабий тилларда ўз аксини топишида, тил миллатлар ва халқлараро алоқа воситаси вазифасини ўташида кўринади. Тил ва жамият ўзаро алоқадорлигининг ушбу таснифи асосида тилнинг ижтимоий функциялари ётади.

Шу маънода, қайд этиш мумкинки, ўзбек тилшунослигини антропоцентрик парадигма асосида тадқиқ қилаётган олима Д.Худойберганова лисоний бирликларни, хусусан, матни нафақат тил тизимининг бир унсури, балки ижтимоий табиатга эга бўлган мулоқот маҳсули, тил эгасининг билим валисоний тафаккурини намоён этувчи ментал тузилма сифатида алоҳида эътироф этади [117, 3]. Демак, бундан маълум бўладики, тил ўзининг ижтимоий ва антропоцентрик қийматига эга бўлган ҳодисадир. Тилнинг бундай табиати жамиятда инсонлар учун алоқа ва фикр алмашиш воситаси ва тил эгасининг лисоний тафаккурини акс эттирувчи когнитив қурилма эканлигида ўз аксини топади.

Таъкидлаш мумкинки, тил жамиятда инсонлар ўртасида фикр алмашиш, яъни мулоқот воситаси сифатидаги вазифасидан ташқари бошқа ижтимоий функцияларни ҳам бажариш имкониятига эга.

Юқорида эътироф этганимиздек, тилнинг келажаги, ўрни, мавқеи ҳар томонлама унинг муомалада бўлиш-бўлмаслигига бориб тақалади. Тил ўз функцияларини бажариши учун маълум муҳитга, яъни кишилиқ жамияти, ундаги юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, маънавий ва маданий янгиланишларга эга бўлиши керак. Бу ўзгаришлар, ўз навбатида, тилга таъсир ўтказиши. Шу маънода, қайд этиш жоизки, тил алоқа воситаси бўлишидан ташқари, унда сўзловчи халқ маданияти, ҳаёт тажрибаси, урф-одатлари, миллий хусусиятлари акс этувчи кўзгудир. Жамиятдаги бу хусусиятлар яхши томонга ўзгариши билан тил ҳам ўзгариб, янгиланиб, жилоланиб, сайқалланиб, бойиб бораверади [60, 165]. Бунинг натижасида тилнинг жамият-

даги тегишли функциялари кенгайди, зеро, тил ўша тилда сўзлашувчи миллатнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари, маданий ва миллий хусусиятларини ҳам ўзида акс эттириш вазифасини бажаради.

1.4-чизма



А.Д. Швейцернинг тадқиқотларига кўра, “функция” термини кўп маъноли ҳисобланиб, маънолари чегараланмагандир. Бу даставвал терминнинг турли, нафақат лингвистик, балки нолингвистик ҳодисалар ўртасидаги алоқалар ва боғлиқликларни ифодалаш учун қўлланилиши билан изоҳланади [118, 87].

О.С. Ахманованинг лингвистик терминлар луғатида *функция* термини бир қатор маъноларни, жумладан, тил бирликларининг нутқда бажарадиган роли; берилган тил бирликларининг нутқдаги мақсади; тил ва унинг элементлари ҳамда уларнинг қўлланилишини билдиради [133, 505-506].

Шундай қилиб, *функция* термини тил бирликларининг нутқ фаолиятидаги роли ва мақсадини билдириб, лингвистик ва нолингвистик ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик ва муносабатларни ифодалаш учун нутқда қўлланилади.

Келиб чиқадики, функционал тавсиф тилларнинг ижтимоий функциялари алоқасини аниқлайди, тилнинг функционал бўлиниши унинг ички таркибий ривожланишига, унинг жамият ҳаётидаги ролига ўз таъсирини кўрсатади. Тилга функционал ёндашувнинг аҳамияти шундаки, илмий асосланган таҳлил турли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маиший соҳаларда тил қўлланилиши хусусиятларини очиб беришга хизмат қилади.

Тилга оид тадқиқотларга функционал ёндашув тил жамият ривожланиши ва тилларнинг ўзаро алоқа қонуниятларининг ижтимоий шартланганлигининг асосий аниқловчисизқанлигини кўрсатади [52, 29].

Тилнинг жамиятдаги функциялари кўп қиррали бўлиб, тилшунослар уларни турлича таснифлайди. Масалан, Ю.С. Степанов ўз илмий қарашларига асосан куйидаги функцияларни ажратади: коммуникатив функция, воқеликни акс эттирувчи функция, номинатив функция, эстетик функция, магик (ишончлар, диний маросимлар) функцияси, эмоционал-экспрессив функция, апеллатив функция [105, 98]. Таснифланган функциялар ичида муаллиф коммуникатив функцияни нисбатан асосий функция деб қарайди.

Таниқли социолингвист Ю.Д. Дешериев тилнинг функцияларини куйидагиларга ажратади: коммуникатив

функция, ижтимоий функция, экспрессив функция, эстетик функция, гносеологик функция [52, 34].

Тилшунос Е.С. Кубрякова тил функцияларини сак-кизтага бўлинишини таъкидлайди: коммуникатив функция, акс эттирувчи функция, билишга йўналтирилган функция, информатив функция, фатик функция, номинатив функция, экспрессив функция, апеллатив функция [135, 140].

Е.С. Кубрякова таснифида тил функцияларининг юқоридаги Ю.Д.Дешериев таснифига кўшимча равишда информатив ва фатик функцияларни киритганини кўришимиз мумкин.

Т.В. Жеребило тилнинг куйидаги функцияларини санаб, таъриф бериб ўтади: онтологик, коммуникатив, аккумулятив, ижтимоий, таъсир этиш, ажратувчи, информатив, когнитив, умумлаштирувчи, коммуникатив, алоқа ўрнатиш, магик, метатил, тўлиқсиз, номинатив, бирлаштирувчи, акс эттирувчи, параллел, перцептив, поэтик, прагматик, экспрессив, регулятив, символик, эмотив, эстетик ва этномаданий функциялар [136, 25-471].

Р.О. Якобсон таснифига кўра эса тилнинг олтига функцияси қайд этилади: эмотив функция (жўнатувчига мўлжалланиш, унинг эмоцияларини узатиш); когнитив функция (адресатга мўлжалланиш, унда муайян ҳолат уйғонишига интилиш); поэтик функция (ахборот шакли учун); метатил функцияси (тил системаси учун); фатик функция (мулоқот учун); референтив функция (воқелик учун) [126, 23].

Юқорида келтирилган тил функциялари таснифларини қиёсий таҳлил қилсак, тилга коммуникатив функция, номинатив функция, эстетик функция, магик функция, эмоционал-экспрессив функция, апеллатив функция, ижтимоий функция, гносеологик (когнитив) функция, информатив функция, фатик функция, метатил функцияси, референтив функциялар хослигининг гувоҳи бўламиз.

Тил функцияларининг ҳар бири ўз прагматик, социал ва маданий табиатига эга бўлиб, мана шундай хусусиятлари



билан тилнинг ўз вазифаларини бажаришига имкон яратади. Бундай функциялар тил эгалари муваффақиятли мулоқотга киришишида ўз прагматик мақсадларини эркин ва раво ифода этишида, тил бирликларини ўз контекстида ўринли қўллай олишида, нутқнинг таъсирчанлигини оширишда намоён бўлади.

Энди асосий эътиборимизни тадқиқот мавзусидан келиб чиққан ҳолда, тилнинг ижтимоий функцияларини батафсил ёритишга қаратамиз.

Т.В. Жеребило ўзининг лингвистик терминлар луғатида тилнинг ижтимоий функциялари ва ривожланган тилнинг ижтимоий функцияларини бир-биридан фарқлайди. Ривожланган тилнинг ижтимоий функциялари миллий тил функцияси, миллатлараро алоқа функцияси ва халқаро алоқа функцияси (дунё тиллари)да рўёбга чиқади. Тил ижтимоий функциялари халқ ривожланишининг аниқ босқичларида қабила тили функцияси, халқ тили функцияси ва миллий тил функцияларидир [136, 355]. Демак, тилнинг ижтимоий функцияси ривожланган ва ривожланмаган тил хусусиятига қараб фарқ қилади.

Умуман олганда, тилнинг функциялари, бир томондан, жамиятнинг ҳаётий талабларини ўзида акс этгирса, иккинчи томондан, тил структурасига сезиларли таъсир қилади ва унинг ривожланиш йўналишини белгилайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, тилнинг функционал ривожланиши ижтимоий ва тил омилларининг мажмуи билан аниқланар экан, бу, бир томондан, тил сиёсати билан, иккинчи томондан, “тил вариантларининг ҳам функционал вазифалардаги, ҳам эркин ифодаланган функционал вазифалари йўқ бўлган ҳамма кўринишлари мажмуи” тушуниладиган тилнинг ҳолати билан аниқланади [75, 114]. Тил ўз ички тузилишида ижтимоий шартлангандир.


Тилнинг қўлланиш соҳалари тилнинг ижтимоий функцияларини аниқлашда асосий ўрин эгаллайди. Тилшу-

нос В. Аврориннинг изланишларига кўра тилнинг қўлланиш соҳалари куйидагича таснифланади [40, 88] [қаранг: 1.5-чизма]. Чизмадан кўринадики, тил жамиятнинг барча соҳаларида ишлатилади ва ижтимоий соҳанинг талабларидан келиб чиқиб, ўз ижтимоий функцияларини амалга оширади. Тил жамиятнинг турли соҳаларида фаол ишлатилиб, ўша соҳа фаолиятларини тилда акс эттиради ва турли ижтимоий функцияларни бажаради.

Замонавий адабий тилнинг ижтимоий функциялари кенгайиши (ёки торайиши) орқасида шу тилда гапирувчиларнинг аниқ ижтимоий ҳолатларни эгаллаганлиги (ёки йўқотганлиги) ётади [57, 92]. Маълум бўлишича, тил ижтимоий функциялари кенгайишида ўша тилда сўзловчиларнинг ижтимоий жиҳатдан тилда эркин мулоқот қилиш ва тилдан фойдаланиш қобилиятларига эгалик даражаси ва тилнинг луғат таркибидаги ижтимоий терминларнинг миқдорий қиймати муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, ижтимоий аҳамиятга кўра тилларнинг ижтимоий функциялари кенгайиши, ривожланишига жамиятнинг онгли таъсири энг асосий таъсир ҳисобланади. Яъни жамиятдаги барча ижтимоий жараёнлар, ижтимоий омиллар тўғридан-тўғри тил системасига таъсир ўтказиши, тилнинг ижтимоий функцияларининг кенгайишига олиб келиши билан характерланади.

Тилининг қўлланиш соҳалари



## 2-БОБ. ТИЛ ИЖТИМОЙ ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ КЕНГАЙИШИ: ЖАМИЯТДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА ТИЛ РИВОЖИ

### 2.1. Жамиятнинг турли соҳаларида тил ижтимоий функцияларининг кенгайиши

Маълумки, тил ҳар доим ҳаракатда, унда тил бирлик-лари мунтазам равишда пайдо бўлади, ўзгаради ёки истеъ-молдан чиқади. Бу жараёнларнинг содир бўлишига асосий сабаб тилнинг ижтимоий ривожланиши, унинг жамият ҳаё-тида бажараётган роли ва функцияларининг кенгайиб бори-шидир.

Ривожланган тил деганда аниқ тарихий давр мобай-нида инсоният томонидан эришилган ишлаб чиқариш, фан-техника, маданият ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг юксак даражасига мос келадиган халқ тарихий бирлашувининг муомала воситаси бўлиб хизмат қиладиган тил тушунилади [115, 34]. Ҳар қандай ижтимоий ҳодиса каби тил ҳам шаклланиш, ўсиш ва тараққий этиш хусусиятига эга.

Шундай қилиб, тил ва унинг ички таркиби ўзгармас, тургун, ҳаракатсиз эмас. Тилнинг луғавий бойлиги, грам-матик шакллари, фонетик хусусиятлари ва бошқа жиҳат-лардан муттасил янгиланиш жараёни давом этади.

Ушбу янгиланишларнинг суръати кўп жиҳатдан ижтимоий ўсиш суръати билан боғлиқ. Жамиятда ўзгариш-лар қанчалик кўп юз берса, қанчалик тез амалга ошса, тил ўзгариши ҳам шунчалик аҳамиятли бўлиб боради [70, 23]. Бу ҳодиса бевосита унинг ижтимоий функциялари кенгайиши билан боғлиқ бўлади.

Масалан, ўзбек тили мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, Ўзбекистон кўп миллатли давлат бўлиб, унинг аҳолисини ўзбек, қорақалпоқ, рус, татар, қозоқ, туркман, қирғиз, тожик, корейс, украин, жужуд ва бошқа миллат вакиллари ташкил этади. Бундай кўп миллатли республикада халқлар бир-бирлари билан муомалада бўлиш учун битта тил талаб

қилинади. Бу талабнинг ўсиб бориши мамлакатимизда ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларида бошланғич, ўрта махсус ва олий таълимда, профессионал санъатда, фан-техника ва бошқа соҳаларда яққол кўзга ташланади. 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Она тилининг Давлат тили бўлиши халқнинг миллийлиги ва тақдирини кафолатлайди ҳамда у мустақилликнинг энг муҳим белгиларидан ҳисобланади.

Илк таҳрирдаги “Давлат тили ҳақида”ги Қонун 30 моддадан иборат бўлиб, унда ўзбек тилининг ҳар бир соҳадаги ютуғи, ролини тиклаш вазифаси мақсад қилиб қўйилган. 1995 йил 21 декабрда ушбу Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси қабул қилинди. У 24 моддадан иборат бўлиб, унда “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир” (1-модда) деб ёзиб қўйилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг нуфузли Қомуси, яъни Конституциямизнинг 4-моддасида ҳам бу ҳақда қайд қилинди. Қонунда барча расмий ҳужжатлар давлат тилида қабул қилиниши (8-модда), барча давлат ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилиши (2005 йилдан, 9-модда), ушбу Қонуннинг ҳуқуқий асослари бошқа қонунлар билан ҳам белгилаб берилиши (3-модда) қайд этилган. Қонун ўзбек тилини барча соҳаларда ривожлантиришни кўзда тутган ҳолда бошқа тилларнинг конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмаслигини кафолатлайди (2-, 5-, 6-, 10-, 11-, 12-, 13-, 14-, 24-моддалар) [79, 9].

Шу пайтгача бошқа иттифоқ республикаларидаги каби Ўзбекистонда ҳам давлат тили функциясини рус тили бажараётган эди. Фақатгина бошланғич миллий мактабларда, туб аҳоли учун матбуот нашрларида ва бошқа маълум соҳалардагина ўзбек тили қўлланилаётган эди. Бунинг оқибатида тил сиёсатида ўқув юртларида таълим, асосан, рус тилида амалга оширилганлиги, ижтимоий тадбирлар рус тилида ўтказилиши талаб қилинганлиги, илмий-тадқиқот

ишлари аксарият ҳолларда рус тилида олиб борилганлиги, маҳаллий нашр тажрибасида республиканинг миллий тил таркиби ҳисобга олинмаганлиги [119, 57-58] каби қатор камчиликлар келиб чиқди.

Тил тўғрисида қонун қабул қилингунича миллат эришган барча ютуқлар ва муваффақиятлар рус тилида ифодаланар эди. Миллат ўз маданиятини рус тили орқали ўрганиб келган, унинг ютуқлари рус тили орқали намоён қилинган эди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маиший, иқтисодий ҳаётида, ишлаб чиқаришда, қишлоқ хўжалигида, спортда, матбуотда, давлатлараро алоқада ўзгаришлар ўзбек тилининг оғзаки ва ёзма шаклларида баён қилинадиган бўлди. Ушбу соҳаларда ўзбек тилининг ижтимоий функциялари кенгая бошлади ва адабий тил билан бир қаторда шева ва профессионал жаргонлар ҳам ўз ривожини топди.

Ўзбек тили ижтимоий функциялари кенгайиши замирида Республика қонунчилик асослари ётади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар” (1991 йил 14 июнь, 289- XII-сон), Ўзбекистон Республикасининг “Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида” (1991 йил 31 август, 336- XII-сон), Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил 8 декабрь), Ўзбекистон Республикасининг “Давлат Мадҳияси тўғрисида” (1992 йил, 10 декабрь, 768- XII-сон), Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” (1993 йил 2 сентябрь, 913- XII-сон), Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро шартномалари тўғрисида” (1995 йил, 22 декабрь, 172- I-сон), Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида” (1996 йил 26 декабрь, 337- I-сон), Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” (1997 йил, 28 август, 463- I-сон), “Давлат тили ҳақида” (1997 йил, 28 август, 464- I-сон), Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” (1997 йил, 26

декабрь, 541- I-сон), Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” (2000 йил, 26 май, 76- II-сон), Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” (2001 йил, 30 август, 269-II-сон), “Ахборотлаштириш тўғрисида” (2003 йил 11 декабрь, 560- II-сон), Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”(2014 йил, 10 апрель), Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” (2015 йил 18ноябрь), Ўзбекистон Республикасининг “Ислом ҳамкорлик ташкилоти уставини (Дакар, 2008 йил март) ратификация қилиш тўғрисида” (2018 йил 02октябрь), Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида” (2016 йил 24 август), Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида” (2016 йил 12 октябрь) [www.lex.uz] каби бир қатор қонун ва қарорлари ўзбек тили функциялари доирасининг янада кенгайтишига олиб келди. Бинобарин, ҳар қандай тил жамиятда туғилади, ўсади, ривожланади ва тараққий этади.

Тил ривожланиши учун жамият ҳам ўз тараққиётининг юксак поғоналарига чиқиши керак. Ўзбек тили давлат тили сифатида жамият аъзоларининг талабларини қондириш учун хизмат қилиши ва шу маънода жамиятнинг турли соҳаларида бир неча ижтимоий функцияларини бажариши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгилаб қўйилган.

Ривожланган, умумий меъёрларга бўйсундирилган ижтимоий функцияси сезиларли равишда кенгайган миллий ўзбек адабий тили ўз халқининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маиший талабларини қондиришга хизмат қилиб фан ва техника, адабиёт ва матбуот, давлат идоралари ва ўқув юртлари, радио, кино ва телевидение тили сифатида намоён бўлмоқда [81, 26].

Бугунги кунда мамлакатда рўй бераётган кенг кўламли ижтимоий ўзгаришлар баробарида ўзбек тилининг куйидаги ижтимоий функциялари кенгаётганлиги кузатилади:

1. Ҳзбек тили – муомала қилиш воситаси. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир” [Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1-модда, [www.lex.uz](http://www.lex.uz)] деб белгилаб қўйилган. Кундалик ҳаётда жамият аъзоларининг асосий қисмининг ўзаро муомала қилиш воситаси сифатида ўзбек тили кенгрок қўлланила бошлади.

2. Ҳзбек тили – радио ва телевидениенинг асосий тили. Бу “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 16-моддаси билан кафолатланади. Ўзбек тили республикада радио ва телевидениенинг асосий тили, шу билан бирга бошқа миллий тиллар ҳуқуқи камситилмасдан, уларда ҳам эшиттириш ва кўрсатувлар олиб борилади.

3. Ҳзбек тили – таълимнинг асосий тили. Бу “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 6-моддаси билан ҳимояланади: “Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахсларга таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқи берилади. Ўзбекистон Республикаси давлат тилида, шунингдек, бошқа тилларда ҳам умумий, ўрта махсус, олий маълумот олишни таъминлайди”.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018-2019 ўқув йили учун асосий кўрсаткичлари куйидагича:

Таълим тиллари бўйича мактаблар сони ўзбек тилида 8853 та, қорақалпоқ тилида 366 та, рус тилида 862 та, қозоқ тилида 370 та, тожик тилида 244 та, қирғиз тилида 42 та, туркман тилида 43 та.

Таълим тиллари бўйича ўқувчилар сони: ўзбек тилида 4981511 нафар (85,6%), қорақалпоқ тилида 115656 нафар (2%), рус тилида 581881 нафар (10%), қозоқ тилида 54926 нафар (1,0%), тожик тилида 69385 нафар (1,2%), қирғиз



тилида 7859 нафар (0,1 %), туркман тилида 10643 нафар (0,2 %) [www.uzedu.uz]. Бундан маълум бўладики, ўзбек тилининг функцияси ва мақоми жамиятда сезиларли даражада кенгайган ва ошган.

Бошланғич мактабларда ўзбек болаларини ўқитишнинг асосий тили, бошқа миллатларнинг тилларида ўқув ишларини олиб бориш “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 5-моддаси билан кафолатланади, яъни “... миллий гуруҳлар зич яшайдиган жойларда эса – уларнинг тилларида фаолият кўрсатадиган мактабгача тарбия болалар муассасаларини ташкил этиш таъминланади”. Қонуннинг шу моддасига асосан, таълимнинг барча соҳаларида “янги ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратиш” белгилаб олинди [79, 3].

4. Ўзбек тили – фан-техниканинг асосий тили. Айни кунларда, асосан, қонун кучга киргандан бери республикада ўтказилаётган фан ва техникага оид тадқиқотлар асосан ўзбек тилида олиб борилмоқда.

5. Ўзбек тили – давлат корхоналарида асосий тил. Бу тўғрида “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 10 – моддасида белгиланган: “Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб - китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида юритилади, ишловчиларнинг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган жамоаларда давлат тили билан бир қаторда бошқа тилларда ҳам амалга оширилиши мумкин”.

6. Ўзбек тили – суд жараёнида асосий тил. Бу “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 11-моддасига биноан “судлов ишларини юритиш давлат тилида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилади. Ишда иштирок этаётган, суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган шахсларга таржимон орқали ишга оид материаллар билан танишиш, суд жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади”.

7. Ўзбек тили – ишлаб чиқариш ва расмий ёзишмаларда асосий тил. Бу соҳа қонуннинг 21-моддаси билан ҳимояланади, яъни: “Корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулот давлат тилидаги ва бошқа тиллардаги ёрлиқлар, йўриқномалар, этикеткалар билан таъминланади”.

8. Ўзбек тили – вақтлий матбуотнинг асосий тили: қонуннинг 17-моддасига кўра, “Ноширлик фаолияти давлат тилида, эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда эса, бошқа тилларда ҳам амалга оширилади”.

9. Ўзбек тили – ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг асосий тили: “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 8-моддасига биноан: “Ўзбекистон республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади”.

10. Ўзбек тили – давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий тили: бу қонуннинг 9-моддаси билан кафолатланади, яъни “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилади ва заруриятга қараб бошқа тилларга таржима қилиниши таъминланади”.

11. Ўзбек тили – маҳаллий халқнинг транспортда, қишлоқ хўжалигида ва алоқа корхоналарида муомала қилинишида асосий тил: “Давлат тили тўғрисида”ги қонуннинг 18 – моддасига биноан “Почта-телеграф жўнатмалари давлат тилида ёки фуқароларнинг хоҳишига кўра - бошқа тилда амалга оширилади”.

12. Ўзбек тили – хизмат кўрсатиш соҳалари - савдо, умумий овқатланиш ва бошқаларда муомаланинг асосий тили: бу “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 12, 13, 14, 16, 20, 22 – моддалари билан кафолатланади, яъни: “Ўзбекистон Республикасида нотариал хизматлар давлат тилида амалга оширилади...(12 – модда); Фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар, шахслар ким эканлиги ва унинг ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар давлат тилида расмийлаштирилади...” (13 – модда); Ўзбекистон республикаси ҳудудида

яшовчи шахсларга давлат ташкилотлари ва муассасаларига, жамоат бирлашмаларига аризалар, таклифлар, шикоятлар билан давлат тилида ва бошқа тилларда мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланади (14 – модда); “Телевидение ва радио эшиттиришлари давлат тилида, шунингдек, бошқа тилларда олиб борилади” (16 – модда); “Лавҳалар, эълонлар, нарх-номалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади...” (20 – модда) “Республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалари географик объектларининг номлари давлат тилида акс эттирилади” (22 – модда).

Шундай қилиб, юқоридаги санаб ўтилган тилнинг ижтимоий функцияларининг кенгайганлиги тилга бевосита таъсир кўрсатади, унинг ички тузилмасида бир қатор ўзгаришларни юзага келтириб чиқаради. Тил жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар баробарида ўзгариб боради.

Ҳозирги кунда ўзбек тилининг ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маиший, иқтисодий ва илмий ҳаётида роли катта. Унда ўзбек халқи эришган ҳамма моддий ва маънавий маданиятнинг ривожланиши, жамиятнинг турли соҳаларида рўй берган салмоқли ўзгаришлар ўз аксини топмоқда. Бинобарин, “жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланиши, бир томондан, адабий тил социалема [социал бўёқдорликка эга тил бирлиги – Б.Й.Қўшоқова]сининг ривожланишини, унинг ҳажми динамикасини ва ижтимоий-этник мазмунини, иккинчи томондан, аниқ адабий тилда ҳажм, мазмун ва матнлар характери динамикасини аниқлайди ва йўналтиради” [57, 108].

Бу борада ўзбек тилининг жамиятдаги ўрнини, унинг ижтимоий функцияларини тавсифлашда иккита асосий хусусият аҳамиятга моликдир: ўзбек адабий тили ижтимоий функцияларининг ўзбек халқи миллий тили сифатида ривожланиши; ўзбек адабий тилининг республикада давлат тили сифатида қўлланилиши.

Умуман олганда, ўзбек тилининг ижтимоий функциялари кенгайишида давлат ва жамиятнинг мустақилликка эришиши ва уни мустақкамлашда сиёсий тизимнинг мустақил белгилаб олиниши, демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамиятининг қурилиши, ишлаб чиқариш ва илмий-техник имкониятларнинг ривожланиши, бозор ислохотларининг ўтказилиши, тараққиёт-йўлини белгилашда жаҳон тажрибалари, тарихий анъаналар ва халқнинг ўзига хос хусусиятларининг ҳисобга олиниши, кучли ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши, маънавий қадриятларининг қайта тикланиши, халқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этиши, нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши, миллий хавфсизликнинг таъминланиши каби ижтимоий омилларнинг роли катта.

Ўзбек тили ижтимоий функциялари кенгайиши тилнинг ички тузилишига катта таъсир ўтказди, жумладан, ижтимоий жараёнлар натижасида тилнинг луғат таркиби бойиди. Чунончи, республикамиздаги ўзгаришлар асносида жамиятга кириб келган янги предметлар, ўзгараётган воқеалар, юз бераётган ҳодисаларнинг барчаси тилда ўз ифодасини топади.

Тилнинг луғат таркиби термини остида “у ёки бу халқ тилига кирувчи барча сўзларнинг жами ва тизими” [46, 67], “тилда бор бўлган барча сўзлар” [21, 83] тушунилади. Луғат таркиби шу тилда мавжуд бўлган барча фаол ва нофаол сўзлар йиғиндисидан иборат: “Одатда, луғат таркибидаги сўзлар ишлатилишига кўра икки гуруҳга бўлинади: актив ишлатилувчи сўзлар ёки актив луғат ва пасив ишлатилувчи сўзлар ёки пасив луғат (“кўп ишлатилуви сўзлар ёки фаол луғат ва кам ишлатилувчи сўзлар ёки нофаол луғат”) [21, 83]. “Актив ишлатилувчи сўзлар (актив луғат) нутқда, кундалик турмушда кўп қўлланилувчи сўзларни ўз ичига олади ва бу сўзлар барча учун тушунарли бўлиши билан ажралиб туради.

...Пассив ишлатилувчи сўзлар (пассив луғат)га тилда мавжуд бўлган, лекин кам қўлланувчи сўзлар киради” [102, 111-112].

Фаол луғат – бу шундай сўзларки, шу тилда гапирувчи одам уни нафақат тушунади, балки уни фаол ишлатади. Нофаол луғат – бу шундай сўзларки, бу тилда гапирувчи одам уни тушунади, лекин ўзи ишлатмайдиёки кам ишлатади [96, 132-133].

Фаол ва нофаол луғат доимий, барқарор эмас. Луғатни ишлатувчи одамларнинг талабларидан келиб чиқиб баъзан янги сўзлар пайдо бўлиши натижасида фаол луғат камроқ ишлатилиб нофаол луғатга айланиши ҳам мумкин. Масалан, айни пайтда, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишидан олдин фаол тарзда ишлатиладиган *коммунист, коммунизм, совет, партия, комсомол, пионер* каби сўзлар нофаол луғатга ўтди. Аксинча, нофаол тарзда ишлатилаётган бир қатор сўзларнинг қўлланилиши фаоллашди: *иқтисод, фирқа, котиб, саркотиб, кафолат, ислоҳот* каби сўзлар.

Нофаол сўзларнинг сони фаол сўзлар миқдоридан кўп бўлса ҳам, кишиларнинг бир-бирлари билан бўладиган кундалик муносабатларида улар жуда кам, бирор соҳа кишилари махсус соҳадаги фаолият ҳақида сўзлашганда ёки бирор илмий-адабий асарни ўқиганда учрайди [30, 60].

Тил лексикасини ўз ичига олувчи тилнинг луғат таркибидаги фаол ва нофаол сўзларнинг миқдори аниқ эмас. Ҳар бир тил луғати ўз ичига бир неча минглаб сўзларни олади. Луғатдаги сўзларнинг хилма-хиллигига, миқдорига қараб тилнинг бойлигига баҳо берилади. Сўзларнинг сони кўп ёки камлигига қарамасдан, ҳар бир тил ўзининг миллати эҳтиёжлари талабларини қондириш учун хизмат қилади ва қўлланиш жараёнида ўзгариб, ривожланиб, бойиб бораверади.

“Жамият тараққиёти билан бирга ўзгаришда бўлган тил луғат таркиби тилнинг ўз ички заҳиралари ҳамда ривожланган тиллардан сўз ўзлаштириш ҳисобига бойийди.

Янги сўзлар ва уларнинг маънолари тилда тегишли қонунқоидалар асосида юзага келади” [21, 87]. Демак, жамият ва одамлар турмуш тарзидаги бўлаётган янгиликлар тил ва, ўз навбатида, луғат таркиби ўзгариб, ривожланиб, бойиб боришини белгилайди. Ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, иқтисод, саноат, фан-техника, маданиятнинг ўзгариши, ўсиши, ривожланиши тилнинг луғат таркибига таъсир қилади.

Тилшунос А.А. Абдуазизов неологизмлар янги тушунча, нарса ёки ҳодисанинг номини аташини, тилда мавжуд нарса ёки ҳодисанинг белгиларини фарқлашини, тилдаги воситаларни тежашини, фикрни аниқроқ ифодалаш учун хизмат қилишини уларнинг муҳим хусусиятлари сифатида баҳолайди ва уларнинг тилда пайдо бўлишида икки хил усулни қайд этади: тилда мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва экстралингвистик таъсирлар остида [21, 86].

Шу билан биргаликда, шуни назардан қочирмаслигимиз керакки, “у ёки бу жараёнда лексика қанчалик янгиланмасин, тил номинацион жараёнлари умумий қонуниятлар рамкаси доирасида амалга оширилади, яъни бу бошқа тилдан сўз олиш, деривация, сўз туркумлари соҳасида ўтиш ҳисобига содир бўлади” [106, 3]. Бу жараён, умуман олганда, тилнинг ички имкониятлари ҳамда бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш ҳисобига юз беради.

Тил луғат таркиби мунтазам ҳаракатда бўлиб, бу жараёнда у турли ўзгаришларга учраши натижасида айрим луғавий бирликлар истеъмолдан чиқиши, айримларининг маънолари ўзгариши, айримларининг қўлланилиши пассивлашиши, тилда неологизмлар пайдо бўлиши табиий жараён эканини, тил луғат таркиби эса, икки хил усулда: ички омиллар ҳисобига ва ташқи омиллар ҳисобига тараққий этишини тилшунос Қ.Сапаевнинг тадқиқотларида ҳам кузатишимиз мумкин [99, 26].

Илмий адабиётларда тил луғат таркиби тараққиётининг, асосан, тўрт усули кўрсатилади: грамматик усул, фонетик усул, семантик усул ва сўз ўзлаштириш усули [102, 115].

Кузатишларимизга кўра, мустақиллик йилларида ўзбек тили луғат таркиби асосан ана шу тўртга усулнинг учтаси орқали тараққий этади, яъни: 1) грамматик усул (бунда тилнинг сўз яшаш моделлари ва сўз яшаш усулларига асосланилади); 2) семантик усул (бунда сўз маъноларининг кўчиши, сўз маъноларининг кенгайиши, сўз маъноларининг торайишидан фойдаланилади); 3) сўз ўзлаштириш усули (бунда бошқа тилдан сўз ўзлаштирилади).

Ҳар қандай миллат тилининг ривожланиши, унинг луғат бойлигининг ўсиши бу – ўта мураккаб жараён. Муайян тилда мулоқотда бўлувчи жамият аъзолари ўзларининг тилига бевосита ва билвосита таъсир ўтказадилар. Бунда жамиятдаги ижтимоий омилларнинг тилга таъсири муҳим саналади.

Бу борада ўзбек тилининг ижтимоий функциялари кенгайиши натижасида юзага келган тилдаги ўзгаришлар жараёнида архаизмларнинг фаоллашуви ва неологизмлар ҳосил бўлиши алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаш жоиз.

Жамиятнинг ҳар қандай соҳасига кириб келадиган янгилик янги ном билан аталади ёки, бирор предмет ёки ҳодисанинг эскириши ижтимоий соҳаларда шу сўзнинг чиқиб кетишига сабаб бўлади. Шунингдек, сўз маъноси ҳеч қандай сабабсиз ўзгаради ёки ижтимоий роли ўзгармасдан сўз маъносини ўзгартириш ҳолатлари кузатилади [71, 195]. Янги сўзлар кириб келиши ёки луғатда мавжуд сўзларнинг истемолдан чиқиб кетиши шу тариха юз беради. Бу жараён барча тилларга хос бўлган қонуниятдир.

Лекин неологизм нисбийтушунча бўлиб [71, 195-196], тил тараққиётининг турли босқичларида бу ҳодиса ўзгаради,

тилга кириб келган неологизм маълум вақт ўтиши билан шу тил луғатига сингиб, оддий лексемага, айримлари ҳатто архаизмга айланади [95, 93]. Луғат таркибидаги сўзларнинг жамиятдаги ўзгаришлар натижасида эскириши ҳодисасидан ўзбек тили ҳам мустасно эмас. Ўзбек тилида бу ҳодисага учраган сўзлар, бошқа тиллардаги каби, икки турга ажралади: тарихий сўзлар ва архаизмлар.

Тарихий сўзлар ҳозирги кунда истемолдан чиққан, ўтмишга хос, қадимда мавжуд бўлган предмет, воқеа-ҳодиса ва жараёнларнинг номлари бўлиб, замонавий тилда уларнинг ишлатилишига эҳтиёж йўқ бўлса, айрим архаизмлар бугунги кунда мавжуд бўлган предмет, воқеа-ҳодиса ва жараёнларнинг эски номларини билдириши сабабли ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши натижасида долзарблик касб этиб қайта фаоллашди. Масалан, *муҳр (печать)*, *ислоҳот (реформа)*, *таътил (каникул)* каби кўплаб архаизмлар бугунги кунда нофаол луғат таркибидан чиқиб, яна фаоллик тусини олди.

Қайта фаоллашган архаизмлар жамиятнинг барча соҳаларида қўлланилиб, уларнинг баъзи ҳолларда маъно ҳажми кенгайиши, баъзи ҳолларда эса янги тушунчаларни акс эттириши кузатилади.

Қайта фаоллашган архаизмлар иқтисод, сиёсат, диний, спорт, ишлаб чиқариш, маориф, маданий-маиший ҳаёт, тиббиёт, давлат бошқаруви ва шунингдек, бошқа бир қатор соҳаларда ўз аксини топади.

1. Иқтисод мавзусидаги қайта фаоллашган архаизмлар. Ўзбек тили давлат тили мақомига эга бўлганидан кейин иқтисод соҳасидаги *бюджетчи*, *валюта* (лотин), *иқтисод* (араб), *иқтисодий* (араб), *иқтисодиёт* (араб), *иқтисодиётчи* (араб), *раста* (форс), *режалаш* (форс), *сармоя* (форс), *тижорат* (араб), *улгуржи*, *фоиз* (араб), *чакана* (форс), *газна* каби кўплаб архаизмлар адабий тилда қайта фаоллашиб, оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг



кўлланила бошлади. Масалан: *Савдо транспорт, иқтисодиёт, инвестиция, молия, ва транзит, қишлоқ хўжалиги, сув-энергетика, солиқ, туризм, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, хавфсизлик каби соҳалардаги ҳамкорлик ҳамда ҳудудлараро алоқаларни ривожлантириш бўйича имзоланган ҳужжатлар юқори баҳоланди* [Халқ сўзи, 11.03.2018, № 48].

Ушбу мисолдаги *молия* сўзи архаизм бўлиб, З.М. Маъруфов таҳрири остидаги 60000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмасидан иборат 2 томли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (1981 й.)да ўз эски маъносида “*пул маблағлари тўплаш ва тақсимлаш каби ишлар билан шугулланувчи давлат органи*”ни англатади [ЎТИЛ, 1981, 2-жилд, б. 470]. Қайта фаоллашувидан кейин бу сўз А. Мадвалиев таҳрири остидаги 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмасидан иборат 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”(2006-2008 йй.)и даги “*мақсадли пул фондларини ҳосил этиш, жамлаш, тақсимлаш каби ишлар билан шугулланувчи давлат органи*” маъносини касб этди [ЎТИЛ, 2006, 2-жилд, б. 611]. Сўзнинг маъносидаги ўзгариш мазкур давлат органининг ваколатлари кенгайиши билан шартланган.

Кенг кўламдаги қайта фаоллашган архаизмлар ишлаб чиқариш соҳасида ҳам кузатилади: *дастур, дастгоҳ, ширкат, жамоа, тўқимачилик, муҳандис, тамойил, тафтиш, нав, фоуз, кимёвий, русумли* ва бошқалар. Масалан: “*Супер-райфл*” фирмаси бир йилда 6,5 миллион метр шундай газламашилаб чиқаришга мўлжалланган дастгоҳларни етказиб беришга тайёр. [Халқ сўзи, 16. 07. 1992, №45]. Берилган гапдаги *дастгоҳ* сўзининг ўзбек тили изоҳли луғатининг олдинги нашридаги маъноси: “*ҳунармандларнинг, косибларнинг, тўқимачиларнинг дастаки, станогги; дўкон*”, тарзида, янги нашрдаги изоҳли луғатда эса “*косибларнинг, тўқимачиларнинг дастаки станогги; дўкон*” тарзида, яъни ўзгаришсиз берилган. Бу соҳада архаизм-

ларнинг қайта фаоллашиши тил ижтимоий функцияларининг кенгайганлигидан дарак беради.

2. Сиёсий мавзудаги қайта фаоллашган архаизмлар. Ўзбек тили давлат тили мақомига эга бўлганидан кейин бу соҳадаги ўзгаришларни намоён эттирувчи архаизмларнинг фаоллашувига қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: демократия (юнон), ислоҳот (араб), истиқлол (араб), мафкура (араб), минтақавий (араб), мустақиллик (араб), мухлиф (араб), мухлифат (араб), мухтор (араб), мухторият (араб), низом (араб), номзод (форс), фирқа (араб), фирқавий (араб), фуқаро (араб), фуқаровий (араб), фуқаролик (араб), гоя (араб). Масалан: Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 187- сонли қарорига шакллантириш жараёнида адабиёт фанидан ўқув дастурини шакллантириш таж-рибали да етакчи олимлар ҳамда мутахассислар, таж-рибали ўқитувчилар томонидан мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқув дастурлари қиёсий таҳлил қилинди, оптималлаштирилди ва имкон қадар мавзулар такрорлигининг олди олинди [Маърифат, 10.02.2018, № 12].

Бу жумладаги дастур сўзи ўзбек тилининг 1981 йилги нашридаги изоҳли луғатида "иш-ҳаракат учун қўлланма, йўл-йўриқ, низом" ва "бирор ишда қабул қилинган қонун-қоида, тартиб" [ЎТИЛ, 1981, 1-жилд, б. 214] маъноларини англатган бўлса, унинг изоҳли луғатнинг 2006 йилги нашридаги маъноси "муайян мақсад, иш-ҳаракат ёки тадбирнинг олдиндан белгилаб чиқилган йўл-йўриги, уни амалга оширишнинг тартиби, қонун-қоидаси; программа" [ЎТИЛ, 2006, 1-жилд, б. 573] демакдир. Маънонинг бу тарзда ўзгартирилиб ишлатилиши сўз тегишли соҳанинг бу тарзда ваколатлари кенгайганлигидан далолат беради.

3. Давлат бошқаруви мавзудаги қайта фаоллашган архаизмлар. Республикадаги мустақиллик сиёсий

омили таъсирида давлат бошқарувида қатор ислохотлар ўтказилиб, бошқарув тизимига ўзгартиришлар киритилиши натижасида *адлия* (араб), *анжуман* (форс), *вазир* (араб), *вазирлик* (араб), *вилоят* (араб), *кенгаш*, *котиб* (араб), *котиба* (араб), *котибият* (араб), *маслаҳатчи* (араб), *маъмур* (араб), *маъмурий* (араб), *маъмурият* (араб), *маҳкама* (араб), *муҳр* (араб), *оқсоқол*, *президент* (лотин), *раёсат* (араб), *таъсис* (араб), *туман*, *ширкат* (араб), *қўмита*, *ҳоким* (араб), *ҳокимлик* (араб), *ҳокимият* (араб) ва бошқа архаизмлар қайта фаоллашди. Масалан: 28 декабрь куни *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Маликни қабул қилди*. [Тошкент оқшоми, 30.12.1994, № 155].

*Президентсўзи* ўзбек тилининг 1981 йилги нашридаги изоҳли луғатида “*республика формасида идора қилинадиган баъзи мамлакатларнинг маълум муддатга сайлаб қўядиган давлат бошлиғи*” [ЎТИЛ, 1981, 1 жилд, б. 602] сифатида изоҳланган. Янги нашрдаги луғатда эса “*Республика бошқаруви шаклидаги кўпчилик мамлакатларда маълум муддатга сайлаб қўйиладиган давлат бошлиғи*” маъноси олдинги ўринга ўтиб, қайта фаоллашди. Бу тил ижтимоий функцияларининг шу соҳадаги кенгайишидан дарак беради.

*Жамгармани “Орол қўмитаси” ҳузуридаги “Орол тижорат маркази”, Санкт-Петербурдан “Темп” фирмаси, Ўзбеккурортстройнинг Зарафшон қурилиши бирлашмаси ва яна бир қанча корхоналар ташкил этишди ва шу йилнинг 8 майида Адлия вазирлиги томонидан 188-сонли қарорга рўйхатга олинди*. [Халқ сўзи, 16.07.1992, № 47]. *Вазир* сўзи ўзбек тилининг 1981 йилги нашрдаги изоҳли луғатидаги *вазир* сўздан келиб чиққан, ушбу сўз “*баъзи шарқ мамлакатларида министр*” [ЎТИЛ, 1981, 1 жилд, б. 170] сифатида изоҳланган. *Вазирлик* алоҳида сўз сифатида 1981 йилги нашрдаги луғатда қайд этилмаган ва янги луғатга неологизм сифатида киритилган. *Вазирликсўзининг* маъноси

2006 йилги луғатда қуйидагича ифодаланган: “*Ўзбекистон Республикасида давлатнинг марказий бошқарув органи, давлат маҳкамасининг муҳим қисми*” [ЎТИЛ, 2006, 1 жилд, б. 433]. Олдинги нашрдаги умумий маъносига асосланиб, ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу лексик бирликнинг янги маъноли сўз сифатида акс этиши жамиятда шу тушунчанинг пайдо бўлиши, фаоллашиши ва шу ижтимоий соҳа ваколатларининг кенгайиши билан изоҳланади.

4. Маданий-маиший ҳаёт мавзуидаги қайта фаоллашган архаизмлар. Мустақиллик омили натижасида рўй берган республика маданий-маиший ҳаётидаги ўзгаришлар *муסיқа* (араб), *муסיқий* (араб), *ногирон* (форс), *нафақа* (араб), *табобат* (араб), *таъмир* (араб), *тиббий* (араб), *тиббиёт* (араб) каби архаизмларнинг қайта фаоллашишига олиб келди. Масалан: *Саҳнавий муסיқий асарлари симфоник ва халқ чолғу оркестри учун яратган намуналари, турли муסיқасозлари ва овоз учун ёзган куй -қўшиқ - романслари учун муסיқажодиётига услубини, ўрни ва моҳиятини белгилади.* [Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 26. 12.1997, № 52].

2006 йилги изоҳли луғатда *муסיқа* сўзи “*инсон ҳиссий кечинмалари, фикрлари, тасаввур доирасини муסיқий товуш (тон, нагма)лар изчиллиги ёки мажмуи воситасида акс эттирувчи санъат тури*” ҳамда “*санъатнинг чолғу билан ижро этиладиган асари; куй*” [ЎТИЛ, 2006, 2 жилд, б. 648] маъносида аниқланади; *муסיқий* сўзи эса “*ритм ва оҳангга эга бўлган; оҳангдор*” [ЎТИЛ, 2006, 2 жилд, б. 649] маъносини ифодалайди. 1981 йил нашр этилган луғатда эса музика, музикавий тарзида берилган бу сўзларга *муסיқа* “*воқеликни овозли, бадиий образ орқали ифодаловчи, куй орқали ифодаловчи санъат тури*” ҳамда “*шу санъатнинг чолғу билан ижро этиладиган тугал асари, куй*” [ЎТИЛ, 1981, 1 жилд, б. 483], *муסיқий* эса “*ритм ва оҳангга эга бўлган; ҳушёқим, муסיқий*” [ЎТИЛ, 1981, 1 жилд, б. 483] маъноларида эквивалент қилиб берилган. Ушбу сўзларнинг қайта фаоллашиши тил ижтимоий функцияларининг

жамиятнинг маданий-маиший соҳада кенгайганлигининг ифодасидир.

*Иккинчи нафар 1965 йилдан 1985 йилгача, яъни то нафақага чиққунимча Тошкентда яшаб ижод қилдим.* [Халқ сўзи, 16. 07.1992, № 48]. Бу жумладаги *нафақа* сўзи 1981 йилги нашрдаги изоҳли луғатда “*ёрдам сифатида берилган пул, ёрдам пули*”, “*қонун асосида тўлаб туроладиган таъминот пули, алимент*” [ЎТИЛ, 1981, 1 жилд, б. 497] сўзи асосида 2007 йилги изоҳли луғатга янги киритилган *нафақа* сўзи қайта фаоллашди ва маиший ҳаётда тил ижтимоий функциялари кенгайганлигининг яққол далили сифатида намоён бўлди.

**5. Маориф ва таълим мавзуидаги қайта фаоллашган архаизмлар.** Ўзбек тилининг давлат тили сифатида қонунлаштирилиши ва мустақиллик сиёсати омили маориф соҳасида салмоқли ўзгаришларга сабаб бўлди, натижада унда қуйидаги каби архаизмларнинг қайта фаоллашиши кузатилди: *амалиёт* (араб), *босқич*, *гимназия* (юнон), *гуруҳ* (форс), *дастур* (форс), *доршфунун* (араб), *коллеж* (инглиз), *кимё* (араб), *куллиёт* (араб), *лицей* (лотин), *мантиқ* (араб), *мантиқшунос* (араб), *матн* (араб), *маъруза* (араб), *маърузачи* (араб), *номзод* (форс), *нотиқ* (араб), *риёзиёт* (араб), *талаба* (араб), *услуб*, *фалсафа* (юнон), *файласуф* (юнон) ва бошқалар. Масалан: *Диссертация ҳимоя қилган шахсларга белгиланган тартибда фан номзоди ёки фан доктори илмий даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топтирилади.* [Маърифат, 1.10. 1997, № 76].

*Номзод* лексемасининг 1981 йилги изоҳли луғатда “*сайлаш, қабул қилиш, тайинлаш учун белгиланган, кўрсатилган шахс, кандидат*” [ЎТИЛ, 1981, 1 жилд, б. 509] маъноси келтирилган, ўзбек тилининг 2007 йилги нашрдаги изоҳли луғатида эса ушбу сўзнинг яна битта маъноси “*фандаги илмий даражанинг маълум босқичи*” [ЎТИЛ, 2007, 3 жилд, б. 55] тарзида қўшимча, иккинчи маъно сифатида

изоҳланиб, қўлланилишига мисол келтирилган. Бу изоҳ ва юқоридаги мисолдаги ушбу сўзнинг маъноси кенгайганлиги тегишли маориф ва таълим соҳасида тил ижтимоий функцияларининг кенгайганлиги билан аниқланади.

6. **Оммавий ахборот соҳасига оид фаоллашган архаизмлар.** Оммавий ахборот воситалари жамиятнинг кундалик ҳаётини акс эттирувчи юқори аҳамиятга молик соҳадир. Бу соҳада, асосан, жамиятдаги барча ижтимоий ўзгаришлар ёритилади. Бошқа соҳалардан фарқли ўларок оммавий ахборот воситалари кишиларнинг кундалик ҳаётини ўз вақтида намоён қилади. Куйидаги сўзлар бунинг далилидир: *матбаа* (араб), *матбаачилик* (араб), *муассис* (араб), *мусаҳҳиҳ* (араб), *муштарий* (араб), *муҳаррир* (араб), *ношир* (араб), *ноширлик* (араб), *таъсис* (араб), *таҳрир* (араб), *таҳририят* (араб) ва бошқалар. Масалан: *Университетнинг журналистика, халқаро журналистика, операторлик ва режиссура, матбаачилик факультетлари, хусусан, улардаги журналистикадаги долзарб йўналишларни ўзида мужассам этган кафедралар (UNESCO кафедраси) ўқув, радио ва телестудиялари, ўқув газетаси чиқариш учун минитипо-графияга эга бўлса, мақсадга мувофиқ бўларди.* [7x7, 25.01.2018, № 04].

Ўзбек тилининг 1981 йилги изоҳли луғатидаги “*босмаҳона ходими, ишчиси, босмаҳонада ишловчи киши*” [ЎТИЛ, 1981, 1 жилд, б. 451] маъноларини билдирувчи *матбаачи* сўзидан ясалган бу жумладаги *матбаачилик*–лексемаси 2006 йилги изоҳли луғатда “*матбаа иши, ноширлик, наширётчилик*” [ЎТИЛ, 2007, 2 жилд, б. 555] маъноларида тавсифланади ва бу сўз ўзбек тили ижтимоий функцияларининг тегишли соҳада кенгайганлиги натижасида қайта фаоллашган лексик бирликлардан ҳисобланади.

7. **Ахборот-коммуникацион технологиялари соҳасига оид фаоллашган архаизмлар.** Мустақиллик даврида бу соҳага оид сўзлар жамиятда кенг қўлланила бошлади.

Масалан: *дастур* (форс), *дастурий* (форс), *дастурлаштириш* (форс), *ойнаи жаҳон* (форс) ва бошқалар.

Бу мижознинг мобилъ алоқа воситалари орқали исталган вақтда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-рақамидаги маблағлар қолдиги тўғрисида маълумот олиш имконини берувчи *дастурий* тизим ҳисобланади. [Даракчи, 07.12.2017, № 49]. *Дастурий* сўзи ўзбек тилининг 1981 йилги нашрдаги изоҳли луғатида алоҳида лексик бирлик сифатида изоҳланмаган. Бу сўз биринчи маъносида “*иш-ҳаракат учун қўлланма, йўл-йўриқ, низом*”, иккинчи маъносида “*бирор ишда қабул қилинган қоида, тартиб*” маъноларини англатувчи *дастур* сўзининг ўзаги асосида —ий кўшимчаси билан ҳосил қилинган. 2006 йилги изоҳли луғатда *дастурий* “*йўналтирувчи, аниқ мақсадни кўзловчи*” [ЎТИЛ, 2006, 1-жилд, б. 574] маъносида изоҳланган. Сўзнинг қўлланилиш доираси кенгайиши, кўшимча маъноси ҳосил қилиниши ва ишлатилиши фаоллашиши тил ижтимоий функцияларининг тегишли соҳада кенгайганлиги билан белгиланади.

**8. Спорт мавзуидаги қайта фаоллашган архаизмлар.** Ўзбек кураши бўйича жаҳон мусобақасида курашчилар Ўзбекистон давлат байроғининг рамзи бўлган кўк ва яшил либосда беллашишлари кураш қондаларига махсус киритилгани, ҳакам мусобақани ўзбекча сўзлар билан бошқариши, соф ғалаба *ҳалол*, ёрти ютук *ёнбош*, энг кичик ютук *чала*, кучларнинг тенг келгани *тенг* дейилиши, *танбех*, *дакки*, *гирром* сингари ўзбекча огоҳлантириш сўзларининг халқаро мусобақаларда қўлланилиши мамлакатнинг мустақиллик йилларидаги энг катта муваффақиятлари сирасига киради.

Спорт жамиятнинг кўзга кўринган, жаҳон аренасида унинг мавқени оширадиган соҳалардан биридир. Ҳеч қайси соҳа бирон-бир мамлакатни спортчалик оламга танита олмайди. Спорт атамаларидан ўзбек тилидаги *ҳалол* (*араб*),

ёнбош, чала, тенг, танбеҳ (араб), дакки (ҳинд), гирром истеъмолга киритилди, мураббий (араб), мураббийлик, совриндор каби сўзлар фаоллашди. Масалан: Бундан уч ой илгари россиялик таниқли мутахассис Павел Садинин Ўзбекистон миллий терма жамоасига бош мураббийликка тақлиф этилганди. [Ўзбекистон футбол, 07.06.2000, № 56].

1981 йилги нашрдаги изоҳли луғатдаги тарбиячи сўзининг китобий услубдаги шакли сифатида ишлатилувчи мураббий сўзининг ўзаги асосида ҳосил қилинган мураббийлик сўзи ўзбек тилининг 2006 йилги нашрдаги изоҳли луғатига неологизм сифатида киритилган бўлиб, “мураббийга хос фаолият” [ЎТИЛ, 2006, 2 жилд, б. 643] маъносини билдиради. Қайта фаоллашган архаизмлар шу соҳада ўзбек тили ижтимоий функциялари кенгайишида муҳим роль ўйнайди.

9. Динийсоҳага оид қайта фаоллашган архаизмлар. Мустақиллик даврида диний кадрятларимизга муносабат тубдан ўзгарди. Натижада диний соҳадаги азон (араб), аср (араб), ақида (араб), ақидашунос (араб), ақидашунослик (араб), бомдод (форс), диндор (араб+форс), домла, закот (араб), ибодат (араб), имом (араб), ислом (араб), калимуллоҳ (араб), мусулмон (араб), мўмин (араб), никоҳ (араб), оят (араб), пайгамбар (араб), пешин (форс), руҳоний (араб), рўза (форс), суннат (араб), сура (араб), фарз (араб), хатиб (араб), хуфтон (форс), шайх (араб), шом (форс), ҳори (араб), Куръон (араб), ҳаж (араб)каби архаизмлар халқнинг кундалик ҳаётида қайта ўрин эгаллади. Масалан: “Ҳаётини муқаддас динимиз арконларини ўрганишга ва тарғиб этишга, халқимиз, ёшларимизни диний маърифат руҳида тарбиялашга бағишлади”, - деди Шавкат Мирзиёев. [Даракчи, 15.02.2018, № 7].

Аркон сўзи бу жумлада 2007 йилдаги изоҳли луғатнинг 3 жилдида берилганидек, яъни эскирган китобий услубда қўлланилувчи “рукн II” нинг кўплиги, яъни



*“исломда энг муҳим, ҳар бир мўмин-мусулмон учун фарз саналган бешта вазифанинг ҳар бири: калимаи шаҳодат, намоз, закот, рўза ва ҳаж ибодати”* [ЎТИЛ, 2007, 3 жилд, б. 397] маъносини ифодалайди.

*Ҳаж улуғ ибодат, исломнинг фарз руқиларидан биридир. Ҳаж ибодатини мукаммал адо этган киши юз минг марта намоз ўқиганлик савобига эришади.* [Туркистон, 27. 04. 1996, № 67]. Ўзбек тилининг ҳар иккала нашрдаги изоҳли луғатида ҳам *ҳаж* сўзига бир хил *“Макка шаҳрига бориб Зулҳижжа ойида белгиланган қонда ва одатларга амал қилган ҳолда Каъбани тавоф ва зиёрат этиш”* [ЎТИЛ, 1981, 2 жилд, б. 673; ЎТИЛ, 2008, 5 жилд, б. 477] деб изоҳ берилган. Тил ижтимоий функцияларининг диний соҳада кенгайганлиги мамлакатимизда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар” тўғрисидаги қонун қабул қилингани ва бу соҳага оид сўзларнинг қўлланилиши фаоллашгани билан боғлиқ. Шунга мос равишда, бу жараён тил ижтимоий функцияларининг ҳаракатланишига ўз таъсирини ўтказди.

Умуман олганда, ўзбек тилининг давлат тили сифатида қонунлаштирилиши ва мустақиллик сиёсати омили таъсирида барча соҳадаги қайта фаоллашган архаизмлар қўлланилиши борасида шуни таъкидлаш зарурки, уларнинг аксарияти ўзининг аввалги маъноларини англаб, айримлари янги маъноларда, янги тушунчаларни ифодалаб келади.

В.Г. Гакнинг фикрича, янги тушунчаларни номлаш жараёнида тўрт хил элементар ўзгариш бўлиши мумкин: янги объектни билдириш учун берилган белгини ишлатиш, тилда олдиндан номи бор бўлган объектни билдириш учун янги белги киритиш, янги маъноли янги белги киритиш ва, ниҳоят, билдирадиган маънони йўқотиш (дезактуализация) билан боғлиқ белгини ишлатмаслик [45, 19]. Бошқача қилиб айтганда, янги тушунчаларни номлаш учун шаклан янги ёки маъноси (ҳам шакли, ҳам маъноси) бўйича янги сўз ёхуд

турғун сўз бирикмаси қўлланилади. Бундай янги сўз ёки турғун сўз бирикмаси неологизмларни ҳосил қилади.

Ижтимоий тараққиёт ва тилдаги ўзгаришлар луғатда янги сўз сифатида бир неча усуллар, жумладан, аффиксация, композиция, сўзларни жуфтлаш, мавжуд сўзларнинг янги маънода қўлланилиши, қисқартмалар яратиш, сўз ўзлаштириш ва калька асосида кўфодаланади.

Х. Муҳитдинова неологизмларнинг тил луғат қатламига сингиб кетиши учун улар икки асосий талабга жавоб бериши кераклигини таъкидлайди. Бунинг учун, биринчидан, янги сўз маъноси аниқ ва тушунарли бўлиши ва тингловчи уни тезда англаши, иккинчидан, сўз тилда мавжуд ва яшовчан моделлар асосида яратилиши талаб этилади [78, 59].

Таъкидлаб ўтиш керакки, неологизм ҳодисаси барча тилларга хос, чунончи, таниқли ўзбек тилшуноси А. Содиқов ва б.нинг ёзишича: “турли қабила ва халқлар қадимдан иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлар. Бунинг натижасида бир тилдан иккинчи бир тилга айрим сўзлар кириб ўзлашиб кетган. Дунёда бошқа тил воситаларини ўзлаштирмаган “соф” тил йўқ” [102, 117].

Неологизмларнинг ҳосил бўлиши жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, саноат, фан-техника, маданиятдаги ўсиш ва ривожланишни ўзида акс эттириб, тилда мунтазам равишда кузатилади. Бунинг тасдиғини нашр этилган кўплаб неологизмлар луғатларида кўриш мумкин [Барнхарт, 1973, 1980; Магер, 1982; Лемей, 1987; Лонгман Гардиан, 1986; Грин, 1987; Гальперин, 1983; Тейлор, 1948; Зандворт, 1958; Берг, 1953; Рейфер, 1955 ва б.]. Бинобарин, дунёдаги ҳеч қайси тилнинг луғати йўқки, турғун бўлсин, аксинча, у ҳар доим ўзгаради, ўсади. Луғатда юз бераётган ўзгаришлар ҳам лингвистик, ҳам экстралингвистик сабабларга кўра, кўп ҳолатларда эса ҳар иккаласининг йиғиндиси туфайли содир бўлади [Гинзбург ва бшк., 1979; Хидекел ва б., 1969; Кунин, 1940 ва б.].

“Тил жамият билан узвий боғлиқ бўлгани учун у билан доимо ҳамнафас бўлиб, жамият билан бирга ривожланиб туради. Фан ва техника тараққиёти натижасида пайдо бўлган янгича муносабатлар, янги нарса, ҳодисаларни ифода қилиш, ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга алоқадор тушунчаларни белгилаш мақсадида яратилган янги, ҳали ўзлашиб кетмаган сўзлар неологизмлар деб аталади” [60, 110]. Бошқа тиллардан қабул қилинган неологизмлар тилнинг грамматик-луғавий таркибига ҳеч қандай таъсир қилмасдан ўзлаштирилади. Улар, одатда, кўпроқ предметлик тушунчасини ифода қилувчи сўзлар бўлади, баъзи ҳолларда воқеа-ҳодиса ва жараёнларни ифодалайди. Умуман олганда, тилнинг ўз ички имкониятлари ёки ташқи таъсир натижасида ҳосил бўлувчи неологизмлар, қандай пайдо бўлишидан қатъий назар, қуйидаги хусусиятларга эгадир: 1) янги тушунча, предмет ёки ҳодисанинг номини атайди; 2) аввал мавжуд бўлган предмет ёки ҳодисанинг белгиларини фарқлайди; 3) тилдаги воситаларни тежайди; фикрни аниқроқ ифодалаш учун хизмат қилади [102, 114].

Неологизмлар мамлакатимизнинг чет мамлакатлар билан маданий, иқтисодий, техник алоқалари, муносабатларнинг тўғридан-тўғри йўлга қўйилганлиги натижасида ўзбек тили луғат таркибида қайта фаоллашган архаизмлар каби кескин ўзгаришларни яққол намоён этиб, уни бойитмоқда.

Демак, ўзбек тили ижтимоий функциялари кенгайиши таъсирида юзага келган тилдаги ўзгаришлар жараёни архаизмларнинг фаоллашуви билан бир қаторда неологизмларнинг вужудга келиши билан ҳам характерланади.

1. Иқтисод соҳасидаги неологизмлар. Республика-мизнинг тараққий этиши учун иқтисодий соҳада кўплаб муҳим стратегик ҳаракатлар қилинганлиги натижасида тил иқтисодга оид *ассортимент* (француз), *бизнес* (инглиз), *индексация* (лотин), *иномарка* (рус), *коммуникация* (лотин),

концерн (инглиз), корпорация (лотин), менежер (инглиз), менежмент (инглиз), приватизация (лотин), сертификат (лотин), сертификация (лотин) каби сўз ва атамалар билан бойиди. Масалан: Бугунги кунда мамлакатимизда Германиянинг “МАН”, “Клаас”, “Лемкен” каби ўз соҳасида етакчи бўлган концерн ва корхоналари муваффақиятли фаолият юритмоқда [Маърифат, 03.03.2018, № 18].

Ўзбек тилининг 1981 йилги изоҳли луғатида концерн сўзига “капиталистик корхоналарнинг бир ёки бир тўда капиталист қўл остидаги монополистик бирлашмаси” деб изоҳ берилган. 2006 йилги изоҳли луғатда эса “расман ўз мустақиллигини сақлаб қолувчи, лекин амалда марказлашган молиявий назорат ва раҳбариятга бўйсунувчи бир қанча саноат, молия ва савдо корхоналарининг бирлашмаси, қўшилмаси” тарзида янги сўз маъноси сифатида изоҳланган.

Корпорация сўзи 1981 йилги нашрдаги изоҳли луғатда қайд этилмаган. 2006 йилги нашрдаги изоҳли луғатга эса неологизм сифатида киритилиб, “касб ёки табақа манфаатлари умумийлиги асосида бирлашган кишилар гуруҳи, жамияти, иттифоқи” ёки “бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда (мас.: АҚШ, Канада каби) акциядорлик жамияти шакли” [ЎТЎЛ, 2006, 2 жилд, б. 408] тарзида тавсиф берилган.

Ҳозир корпорация сўзи ушбу маъносида кенг қўлланмоқда. Масалан:

Корпорация раиси ва унинг ўринбосарларига Ўзбекистон Республикаси вазирлари ва вазирларнинг ўринбосарлари учун белгиланган моддий-маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш шароитлари сақлаб қолинсин. [Тошкент оқшоми, 28.12.1994, № 154].

Янги луғатдан жой олган бу сўз тил ижтимоий функцияларининг иқтисод соҳасида ривожланганлигининг далилидир.

2. Сиёсий соҳадаги неологизмлар. Жамиятда содир бўлган сиёсий соҳадаги ўзгаришлар унинг тил луғат тизимида акс этди: *глокал* (инглиз), *легаллаштирмақ* (лотин), *маънавият* (араб), *наносоциализм* (лотин), *экосоциализм* (лотин), *этнополитик* (юнон), *урбанизация* (лотин), *хаос* (юнон), *гарблашиш* (араб) каби лексик бирликлар шулар жумласидандир. Масалан: *Аҳоли эса бундай иқтисодий хаос шароитида эртанги кунга бўлган ишончини йўқотмоқда. // “Агар муддатдан аввал сайловлар ўтказилмаса, агар бу рада икки йилдан кўп бўлса, биз бу ерда хаос олишимиз мумкин”, деб айтди Саакашвили. [www.kun.uz].*

*Легаллаштириш* сўзи 2006 йил чоп этилган изохли луғатга неологизм сифатида киритилиб, “*легал, ошкор ҳолга ўтказиш, қонуний тусга киритиш*” [ЎТИЛ, 2006, 2 жилд, б. 493] маъноларида тавсиф қилинган.

*Импортни қисқарттириш ишларини ташкил этиш ва мониторинг қилиш бўйича республика Ишчи гуруҳи ҳам тузилиб, унга Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи раҳбар этиб белгиланди [Маърифат, 28.02.2018, № 17].*

Бу ва бу каби сиёсатга оид янги маънодаги сўзлар ва уларнинг янги маъноли сўз сифатида ишлатилиши тил ижтимоий функцияларининг шу соҳада кенгайганлигидан дарак беради.

3. Давлат бошқаруви соҳасидаги неологизмлар. Республика қўлга киритган мустақилликдан кейин асосли сиёсат ўрнатилган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, кучли ижтимоий бошқарув амалга оширилиши натижасида тилга *департамент* (француз), *палата* (лотин), *парламент* (француз), *парламентарий* (француз), *Президент* (лотин), *саммит* (инглиз), *сенат* (лотин), *тизим*, *шўъба* каби неологизмлар кириб келди. Масалан: *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 январдаги Фармонида асосан*

*Раҳимов Дилшод Фахриевич Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиги лавозимига тайинланди [prokuratura. uz].*

*Департаментсўзи 2006 йилги изоҳли луғатда “баъзи мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда, маҳкама, идора ва вазирликлар ёки улар таркибидаги бўламаларнинг номи” [ЎТИЛ, 2006, 1 жилд, б. 598]ни билдириб, янги маъноли сўз сифатида изоҳланади. 1981 йилги нашрдаги изоҳли луғатда эса сўзнинг учта мамлакат: АҚШ, Франция ва Россияга тегишли давлат бошқарув органларини англатувчи маънолари берилган. Департамент сўзининг давлат бошқарув органларига доир янги маънодаги сўз сифатида ишлатилиши тил ижтимоий функцияларининг кенгайиши лексема семемаларидан бирининг янги маъно касб этишига сабаб бўлиши мумкинлигини кўрсатади.*

**4. Маданий-маиший ҳаёт соҳасидаги неологизмлар.**  
*Ушбу соҳада республикамизда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда ислохотлар олиб борилиши ўзбек тили луғатининг маданий-маиший ҳаётдаги янги предмет, воқеа-ҳодиса, жараёнларни ифодаловчи гала-концерт (француз), интерфакс (лотин), теле-текст (юнон+лотин), телемарафон (юнон), телефакс (юнон+лотин), ток-шоу (инглиз), фанат (лотин), факс (лотин), хит (инглиз), хитпарад (инглиз), шоу (инглиз)каби бир қатор сўзлар билан янада бойишига сабаб бўлди. Масалан: Бу йилги мавсум ҳам ўзининг шиддаткорлиги, тадбиркорлиги, сермахсуллиги ҳамда ҳужумкорлиги билан барча хоккей фанатларини хурсанд этмоқда. [Sport, 25. 04. 2000, № 31].*

*Ўзбек тили изоҳли луғатининг 1981 йилги нашрида “бирор иш ёки машғулотга бутун вужуди билан берилиб кетиш, муқасидан кетганлик, ўта ишқибозлик” [ЎТИЛ, 2006, 2 жилд, б. 294] маъносини билдирувчи фанатизм сўзи*

янги нашрдаги изоҳли луғатда ҳам худди шу “*бирор зоя, иш ёки машғулотга бутун вужуди билан берилиб кетиш, муккасидан кетганлик, ўта ишқибозлик*” [ЎТИЛ, 2008, 5-жилд, б. 324] маъносини ифодалайди. Шу сўзнинг асоси бўлган *фанат* сўзи ҳеч қайси луғатда қайд этилмаган бўлса-да, оммавий ахборот воситаларида ва халқ тилида кенг оммалашиб кетган. Бу тил иж.ғимоий функцияларининг шу соҳада кенгайишига сабаб бўлган омиллардан ҳисобланади.

5. **Маориф ва таълим соҳасидаги неологизмлар.** Маориф ва таълим соҳасидаги янгиликларни англаувчи тушунчалар тилда *бакалавр* (лотин), *бакалавриат* (лотин), *грант* (инглиз), *интернет* (инглиз), *коллеж* (инглиз), *лицей* (лотин), *магистр* (лотин), *магистратура* (лотин), *рейтинг* (инглиз), *сертификат* (лотин), *тест* (инглиз) каби неологизмлар ёрдамида ўз ифодасини топди. Масалан: *Рейтинг* усули *таълим тизимимизга тобора чуқур кириб бормоқда*. [Маърифат, 19.05.1999, №68]. Бу жумладаги *рейтинг* сўзи 1981 йилги нашрдаги ўзбек тилининг изоҳли луғатида қайд этилмаган бўлиб, 2007 нашрдаги луғатга мутлақ янги сўз сифатида киритилган ва “*ўқувчилар ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш усули ва тизими*” [ЎТИЛ, 2007, 3-жилд, б. 373] маъносини ифодалайди.

*Тест* сўзи ҳам янги нашрдаги луғатга мутлақ янги сўз сифатида киритилган ва “*муайян ижтимоий тадқиқотлар учун фойдаланиладиган материал сифатида тарқатиладиган саволнома; сўроқ варақаси*” [ЎТИЛ, 2008, 4-жилд, б. 78] маъносида тавсифланган. У шу маънода фаол қўлланмокда:

*Бунда талабалар, шунингдек, абитуриентлар билимини баҳолашнинг энг мақбул ҳамда адолатли усули – тест синовларига алоҳида аҳамият бериш зарур бўлади.* [Туркистон, 13.02.1999, № 12].

Бу ва юқоридаги каби сўзларнинг ўзбек тилининг изоҳли луғатида янги сўз сифатида эътироф этилиши ўзбек

тили ижтимоий функцияларининг таълим соҳасида кенгайганлигининг яққол далилидир.

**6. Ахборот-коммуникацион технологиялари соҳасидаги неологизмлар.** Ахборот-коммуникацион соҳада ҳам салмоқли ўзгаришлар юз бериб, улар тил луғат таркибида ўз аксини топди. Масалан: *блог* (инглиз), *вайфай* (инглиз), *вэлсап* (инглиз), *вичат* (инглиз), *дастур* (форс), *драйвер* (инглиз), *имо*, *интернет* (инглиз), *интернетлашув* (инглиз), *интерфакс* (лотин), *класс* (лотин), *ксерокопия* (юнон + лотин), *ксерокс* (юнон + лотин), *модем* (инглиз), *одно* (*классники*) (рус+лотин), *портал* (лотин), *роутер* (француз), *сичқонча*, *смс* (инглиз), *твиттер* (инглиз), *телеграм* (юнон), *фейсбук* (инглиз), *хакер* (инглиз), *чат* (инглиз). Масалан: *Мижсоз Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базасига уланган кундан бошлаб, “SMS-хабарнома” хабарларини ўз мобиль алоқа воситаси орқали олиши мумкин.* [Даракчи, 07.12.2017, № 49].

Юқорида берилган гапдаги *sms* сўзи ўзбек тили изоҳли луғатининг ҳеч бирида алоҳида лексик бирлик сифатида қайд этилмаган бўлса-да, ахборот-коммуникацион соҳада ва халқ тилида оммалашиб улгурган сўзлардан ҳисобланади. Бу ёки шу қаби сўзлар ўзбек тилининг ижтимоий функцияларининг тегишли соҳада кенгайганлигини кўрсатади. Масалан: - *бассейнларнинг манзили, иш вақти, кўрсатиладиган хизмат турлари ва нархлари аниқ кўрсатилган ҳолда Интернет жаҳон ахборот тармоғида доимий равишда кенг ёритилишини йўлга қўйиш вазифаси юклатилди.* [Даракчи, 25.01.2018, № 4]. Ўзбек тилининг 2006 йилги изоҳли луғатида янги лексик бирлик сифатида қайд этилган *интернет* сўзи “*умумжаҳон компьютер тармоғи; бутун жаҳон бўйича тарқалган ва телефон ҳамда оптик-толали линиялар, модемлар ва б. билан ўзаро боғланган, ҳар қандай ахборотни ўзаро алмаша оладиган катта миқдордаги*



компьютерлар мажмуи” [ЎТИЛ, 2006, 2-жилд, б. 218] маъносини билдириши қайд этилган. Бу ёки бунга ўхшаган сўзларнинг оммалашishi тил ижтимоий функцияларининг ахборот-коммуникацион соҳада кенгайишининг далили сифатида намоён бўлади.

7. Спорт соҳасидаги неологизмлар. Мамлакатда мавжуд спорт турлари ривожлана бориши билан биргаликда замонавий, янги спорт турлари кириб кела бошлади, ўз навбатида ўзбек тили луғат таркибида бу жараёнларни акс эттирувчи қатор янги сўзлар пайдо бўлди. *Аутсайдер* (инглиз), *болбой* (инглиз), *голеадор* (испан), *катеначио* (итальян), *кросс* (инглиз), *мундиал* (лотин), *пента трик* (юнон), *покер* (немис), *ротация* (лотин), *титул* (лотин), *трансфер* (лотин), *тўпурақ* (форс), *фаворит* (лотин), *хавбек* (инглиз), *хэт-трик* (инглиз). Масалан: *Лекин бу ўйинлари орқали жамоа “лига Робин Гуди” номини олди, Клопп шогирдлари кучли жамоаларни осонлик билан енгиб, аутсайдерларга очко улашди.* [www.kun.uz].

Берилган гапда *аутсайдер* сўзи кучсиз, рейтингда энг куйи кўрсаткичга эга бўлган жамоа маъносини ифодалайди.

*Манчестерга кетган Матич ўрнида “Монако”дан трансфер қилинган хавбек Бакайоко ҳаракат қилади, “Реал”дан эса катта умидлар билан 70 миллион еврога Мората сотиб олинди.* [www.kun.uz]. Бу жумладаги *хавбек* сўзи футболда майдон марказида ўйновчи футболчи, ярим ҳимоячи маъносида қўлланилган. Бу сўз ўзбек спорт оламига инглиз тилидан кириб келган бўлиб, инглиз тилидаги *‘half back’* сўзларидан келиб чиққан.

Юқорида кўриб чиқилган неологизмлар, асосан, бошқа тиллардан кириб келган сўзлардир. Ўзбек тилининг ижтимоий функциялари кенгайиши натижасида луғат таркиби нафақат ўзлашган сўзлар, балки тил ички имкониятларидан фойдаланиб ясалган неслогизмлар ҳисобига ҳам бойиди.

## 2.2. Тил ижтимоий функциялари кенгайишининг сўз ясалишидаги роли

Ўзбек тили луғат таркиби қайта фаоллашган архаизмлар ва чет тиллардан кириб келган неологизмлар билан бир қаторда ўз ички имкониятларидан фойдаланиб тилдаги муайян усул ва воситалар ёрдамида янги сўз ҳосил қилиш ҳисобига ҳам бойиди.

Замонавий ўзбек тилшунос олимларининг тадқиқотларига кўра, сўз ясалишининг бир неча усуллари бўлиб, улар ҳозирги ўзбек тилида бешга бўлинади: аффиксация усули, фонетик усул, семантик усул, композиция усули ва аббревиация усуллари дир [78, 77]. А. Ҳожиёвнинг эътирофича, ҳозирги ўзбек тилида аффиксация ва композиция усули сўз яшашнинг энг унумли йўли ҳисобланади [132, 7].

Куйида ижтимоий функциялар кенгайиши натижасида ўзбек тилининг ички имкониятлари асосида ҳосил қилинган янги сўзлар ясалиши намуналарини таҳлил қиламиз. Хусусан, даставвал аффиксация усули ёрдамида ясалган сўзларга эътиборимизни қаратамиз:

1. **Аффиксация усули.** Грамматик сўз яшаш типининг аффикслар ёрдамида сўз яшаш усули [132, 6].

1. **От + -лик.** Бунда от ва сифат сўз туркумига отдан от ясовчи *-лик* аффикси кўшилади: *акционерлик, бангифурушлик, банкротлик, бакалаврлик, биродарқушлик, брокерлик, даҳлдорлик, шибилармонлик, сардорлик, тадбиркорлик, ҳиссадорлик.*

Масалан: *Унда тегишли вазирликлар, ҳокимликлар, идора-муассасалар, уюшма ва концернлар раҳбарлари қатнашдилар.* [Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 26.12.1997, № 52].

Ўзбек тилининг 1981 йилда нашр этилган изоҳли луғатида *вазир* сўзи “*баъзи шарқ мамлакатларида министр*” [ЎТИЛ, 1981, 1-жилд, б. 170] сифатида изоҳланган. Шу сўз асосида ясалган *вазирлик* сўзига эса 2006 йилги изоҳли луғатда “*Ўзбекистон Республикасида давлатнинг марказий*

бошқарув органи, давлат маҳкамасининг муҳим қисми” [ЎТИЛ, 2006, 1-жилд, б. 433] деб таъриф берилган.

Бундан йигирма беш йил муқаддам Мақсуда Содиқова илк изланиши – “Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ранг-тус билдирувчи сўзлар” мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилди. [Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 14.09.1997, №46].

2007 йилги нашрдаги изоҳли луғатда “фандаги илмий даражасининг маълум босқич” [ЎТИЛ, 2007, 3-жилд, б. 55] ини ифодаловчи номзодлик сўзи ҳам номзод сўзининг умумий маъноси асосида, -лик сўз ясовчи кўшимча кўшиш ёрдамида ясалган.

2. От + -гоҳ. Бунда от сўз туркумига оид сўзларга -гоҳ сўз ясовчи аффикси кўшилиб, асосан ўрин-жойни билдирувчи отлар ясалади: *Билимгоҳ, илмгоҳ, манзилгоҳ, сиҳатгоҳ, томошагоҳ, ўйингоҳ*. Масалан:

*Сиҳатгоҳда дам олаётган падари бузрукворимиз биров билан суҳбатлашиб ўтирсалар, ёши етмишларга борган бир кекса киши яқинлашиб, келиб саломлашди.* [Туркистон, 8.05.1995, №35].

Сиҳат сўзи 1981 йилги изоҳли луғатда “тан соғлиги, соғлик, соғломлик” маъносида изоҳланган. Мазкур сўз асосида сўз ясовчи -лик кўшимчаси билан ясалган *сиҳатгоҳ* сўзи 2007 йилги изоҳли луғатда “беморлар ётиб даволанадиган махсус профилактик муассасаси, санатория” [ЎТИЛ, 2007, 3-жилд, б. 533] сифатида изоҳланган.

3. От + -нома. Бунда от сўз туркумига оид сўзларга -нома сўз ясовчи аффикси кўшилади: *ишончнома, йўриқнома, ойнома, рўзнома, таҳлилнома, ҳафтанома*. Масалан:

“Адолат йўли” ҳафтаномаси Фарғона вилоятидаги энг ёш газеталардан бири бўлишига қарамай, тез орада ўз мухлисларини топди. [Ўзбекистон овози, 14.11.1995, № 139].

Ҳафтада бир марта нашр қилинадиган даврий матбуот тури ҳафта сўзига – нома аффиксоиди кўшилиб ҳафта-

ифодаловчи *соврин* сўзига *дор* сўз ясовчи кўшимчаси кўшиш натижасида ҳосил бўлган. Бу сўз изоҳли луғатда акс этмаган бўлса-да, оммавий ахборот воситаларида мустақил сўз сифатида кенг қўлланилади.

7. **От + -дор + -лик.** Бунда от сўз туркумига оид сўзларга *-дор* ва *-лик* сўз ясовчи аффикслари кўшилади: *совриндорлик, даҳлдорлик, ҳиссадорлик*. Масалан: *Жумладан 13 та корхона янги хўжалик юритиш шароитида фаолият кўрсатмоқда, уларнинг 8 таси давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган.* [Ишонч, 24.05.1996, № 41].

Ушбу жумладаги *ҳиссадорлик* сўзи “*ҳисса кўшган, пай киритган, шерик*” [ЎТИЛ, 2008, 5-жилд, б. 538] маъноларини ифодаловчи *ҳиссадорсўзига-лик* сўз ясовчи кўшимчасини кўшиш натижасида ҳосил бўлган.

8. **От + -параст.** Бунда от сўз туркумига оид сўзларга *-параст* сўз ясовчи аффикси кўшилади: *Ақиданараст, империяпараст, миллатпараст, фирқапараст*. Масалан:

*Доимий кузатув, чақувлар, игво, фирқапарастлик, шовинизм ва маҳаллийчилик хуружлари тинка-мадорини қуритарди.* [Ёзувчи, 4.02.1998, № 3]. 2008 йилги изоҳли луғатда “*мақсади, гояси, дунёқарашининг муштараклиги жиҳатидан бирлашган кишилар гуруҳи; гуруҳ, тўда*” [ЎТИЛ, 2008, 4-жилд, б. 349] маъносида изоҳланган *фирқа* сўзига *-параст* сўз ясовчи аффикси кўшилиб *фирқапараст* сўзи ҳосил қилинган.

9. **От + -ий.** Бунда от сўз туркумига оид сўзларга *-ий* сўз ясовчи аффикси кўшилиб сифат ясалади: *намунавий, минтақавий, хорижий, қомусий*. Масалан:

*Яқинда жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси келаси кузда ҳадис илмининг султони Имом ал Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини ҳамда буюк қомусийолим Аҳмад ал Фаргоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш юзасидан қарор қабул қилди.* [Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 26.12.1997, № 52].

Бу жумладаги қомусий сўзи 2008 йилги изоҳли луғатда қомусчи сўзи “*ҳар томонлама маълумотга эга бўлган, ўқимишли киши; энциклопедист олим*” [ЎТИЛ, 2008, 5-жилд, б. 328] маъносида қўлланилган. Янги изоҳли луғатга ҳали киритилмаган бу сўз оммавий ахборот воситаларида фаол қўлланиляпти.

**10. От + -шунос.** Бунда от сўз туркумига оид сўзларга -шунос сўз ясовчи аффикси қўшилади: *астражўгрофшунос, атамашунос, инсоншунос, ирсиятшунос, исломшунос, коинотшунос, матншунос, муסיқашунос, руҳшунос, услубшунос, ҳадисшунос.* Масалан:

*Яқинда Тошкент давлат консерваториясида халқ муסיқаси ва унинг мумтоз намуналари бўлган мақомлар ҳақида бир гуруҳ атоқли санъат усталари ва муסיқашунос олимлар билан давра суҳбати ўтказди.* [Миллий тикланиш, 08.04. 1999, № 23].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига янги киритилган *муסיқашунос* сўзи берилган жумлада ушбу сўзнинг луғатда ифодаланишига мос, яъни “*муסיқа ўрганувчи, муסיқа олими, мутахассиси*” [ЎТИЛ, 2006, 2-жилд, б. 649] маъносида қўлланилган.

**11. От + -шунос + -лик.** Бунда асосан юқоридаги моделда ясалган отларга -лик аффикси қўшилиб янги от ясалади: *атамашунослик, астрожўгрофияшунослик, инсоншунослик, ирсиятшунослик, исломшунослик, коинотшунослик, матншунослик, муסיқашунослик, руҳшунослик, рўзгоршунослик, ҳадисшунослик.* Масалан:

*Ушбу жараён тасмадаги баъзи мураккаб композицияларнинг ечимини топшига, овоз ва тасвир, сўз ҳамда ижро масалалари шоҳ асарларда қандай ҳал этилганлигини англаш, бу каби муаммоларга илмий, киношунослик, санъатшунослик, муסיқашунослик нуқтаи назаридан ёндашишга ёрдам берарди* [www.ziyounet.uz].

Ўзбек тилининг 2006 йилги нашрдаги изоҳли луғатида *муסיқашунослик* “*муסיқа назарияси, тарихини ва муайян халқ(лар)нинг муסיқа маданиятини ўрганувчи фан*” [ЎТИЛ, 2006, 2-жилд, б. 649] сифатида тавсифланган.

12. *От + -бош+ (-и)*. Бунда *от* сўз туркумига оид сўзларга *-бош* ва *-и* аффикслари кўшилади: *карвонбоши, сафбоши, синфбоши, юртбоши*. Масалан: *Вилоятимизнинг пахтачилик ва дончилик борасида эришаётган ютуқлари, пахта етиштиришдаги янги усул муҳтарам юртбошимиз таърифи билан айтганда “Андижон” усулининг афзаллиги бутун мамлакатимиз меҳнаткашларининг тилига тушиди*. [Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 14.11.1997, № 46].

Ўзбек тилининг 1981 йилги нашридаги изоҳли луғатида берилган “*маълум халқ, аҳоли яшаб турган жой, ўлка мамлакат*” [ЎТИЛ, 1981, 2-жилд, б. 473] маъносини билдирувчи *юрт* сўзининг асосидан ясалган *юртбоши* сўзи 2008 йилги нашрдаги изоҳли луғатда “*эл-юрт бошлиги, сардори, ҳукмдор; оқсоқол*” маъносида изоҳланиб, “*Мустақил Ўзбекистонда: Президентга нисбатан ҳурмат маъносида қўлланилади*” [ЎТИЛ, 2008, 5-жилд, б. 93] дейилган.

13. *От + -хўр*. Бунда *от* сўз туркумига оид сўзларга *-хўр* сўз ясовчи аффикси кўшилади: *нафақахўр*. Масалан:

*Мазкур ижтимоий-маиший, маданий муассасалар хизматидан нафақат ишловчи ходимлар, балки, касаба уюшма аъзолари бўлган нафақахўрлар ва бола парварishi таътилидаги аёллар ҳам бирдек баҳраманд бўлмоқдалар*. [Ишонч, 24.05.1996, № 41].

“*Ёрдам сифатида берилган пул, ёрдам пули*”, “*қонун асосида тўлаб туриладиган таъминот пули, алимент*” [ЎТИЛ, 1981, 1-жилд, б. 497] сўзи асосида ясалиб, 2007 йилги изоҳли луғатга янги киритилган *нафақахўр* сўзи “*нафақа олувчи, нафақа билан таъминланган шахс*” [ЎТИЛ, 2007, 3-жилд, б. 25] маъносини билдириб келади.

14. **От + - лар + - аро.** Бунда от сўз туркумига оид сўзларга *-лар* ва *-аро* сўз ясовчи аффикслари қўшилади: *вилоятлараро, гуруҳлараро, давлатлараро, парламентлараро, туманлараро, ҳукуматлараро*. Масалан:

*Бўлажасак ташириф чогида икки мустақил давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришни таъминлайдиган бир қанча давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимларни имзолаш назарда тутилган.* [Ўзбекистон овози, 06.01.1996, № 3].

Бу жумладаги *ҳукуматлараросўзи* “давлат ҳокимиятининг давлат бошқарувини бевосита амалга оширувчи, фармойиш берувчи ва ижро этувчи олий органи” [ЎТИЛ, 2008, 5-жилд, б. 560] маъносини билдирувчи *ҳукуматсўзининг* асоси воситасида ясалган янги лексик бирлик бўлиб, луғатга киритилмаган бўлса-да, оммавий ахборот воситаларида фаол қўлланилаётган сўз ҳисобланади.

15. **От + -ли.** Бунда от сўз туркумига оид сўзларга *-ли* сўз ясовчи аффикси қўшилади: *нуфузли, мантиқли, русумли*. Масалан:

*Бугунги кунда “Нексия”, “Дамас”, “Тико” русумли энгил машиналаримиз бутун оламга овоза бўлиб турибди.* [Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 14.11.1997, № 46].

Бу гапдаги *русумли* сўзи неологизм бўлиб, ўзбек тилининг 2007 йилги изоҳли луғатида “*русумга эга бўлган, русумга асосланган, маълум марказдаги*” [ЎТИЛ, 2007, 3-жилд, б. 398] маъноларини билдириши қайд этилган. Иқтисод, ишлаб чиқариш ва маиший ҳаётга оид нутқда кенг қўлланилади.

16. **От + -хона.** Бунда от сўз туркумига оид сўзларга *-хона* сўз ясовчи аффиксоиди қўшилади: *божхона, ваколатхона, маслаҳатхона, томошахона, қайдхона*. Масалан:

*Хизмат жисмоний ва юридик шахсларга Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали автомобиль*

транспортида олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида давлат божхона хизмати органларига ўз вақтида олдиндан маълумот тақдим этиши имкониятини яратади. [my.gov.uz]. Матндаги божхона сўзи ўзбек тилининг 2006 йилги изоҳли луғатида “бож олинадиган жой, идора, пост” [ЎТИЛ, 2006, 1-жилд, б. 297] маъноларида изоҳланган.

17. Но- + от. Бунда от сўз туркумига оид сўзларга но-префикси кўшилади: *Нодавлат, нотижорат, ноҳукумат*. Масалан:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳақида (янги тахрирда) ва “ноҳукумат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги мазмун-моҳияти ва аҳамиятини йиғилганларга тушунтириб берди. [Ўзбекистон овози, 21.01.1999, № 8]. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати фуқаролар, хорижда яшаётган ватандошлар ва нодавлат нотижорат ташкилотларни ихтиёрийлик асосида бирлаштиради [xushnudbek.uz].

От сўз туркумига оид сўзларга но- префикси кўшиб ясалган *нодавлат* сўзи “давлат тасарруфида бўлмаган” [ЎТИЛ, 2007, 3-жилд, б. 47], *нотижорат* сўзи “*тижоратга оид, боғлиқ бўлмаган*” [ЎТИЛ, 2007, 3-жилд, б. 62] ва *ноҳукумат* сўзи “*ҳукуматга тегишли эмас, ҳукуматники бўлмаган*” [ЎТИЛ, 2007, 3-жилд, б. 65] деган маъноларни билдиради.

18. Ҳам- + от. Бунда от сўз туркумига оид сўзларга ҳам- префиксоиди кўшилади: *ҳамжамият, ҳаммуаллиф, ҳамраис*. Масалан:

Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотмоқда, - дейди КРМГнинг Россия ва МДХ бўйича инвестиция бўлими бошлиғи Лидия Петрашова [Тошкент оқшоми, 13.04.2018, № 70].



*Семинарни Фонд ҳамраиси Хушид Дўстмуҳаммад кириш сўзи билан очиб, жумладан шундай деди: “Тан олиш керак бугунги ахборотдан газетхонлар қониқиш ҳосил қилмаётдилар”. [Хуррият, 13.08.1997, № 32].*

Бу гапларда “қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, муайян иш-фаолият ва ш.к.да “бирга бўлувчи”, “бирга бажарувчи”, “тенг, бир хил “ [ЎТИЛ, 2008, 5-жилд, б. 496] маъноларини англатувчи –ҳам префикси *жамият* ва *раис* сўзига қўшилиб, янги от сўз туркумига хос *ҳамжамият* ва *ҳамраис* сўзлари ҳосил қилинган.

Шунингдек, ижтимоий функциялар кенгайиши натижасида ўзбек тили луғат таркибининг ички имкониятлари асосида композицион усул орқали бойишини ҳам кузатишимиз мумкин. Хусусан, қуйидаги композицион воситалар орқали сўз ясалишига гувоҳ бўламиз:

2. **Композицион усул.** Грамматик сўз яшаш типининг сўз қўшиш йўли билан сўз яшаш усули [132, 6-7]. 1. **От + от.** Бунда сўз яшашда иккита отни бир - бирига қўшишда ярим калькалаш усули қўлланилган: *автоулов, автоёқилги, автосугурта, агроқурилиш, инфратузилма, нейрожарроҳ, микроиқтисод.* Масалан:

*Йиғилишда вилоят ҳокими муовинлари, шаҳар ва туманлар бўлим ва бошқарув раҳбарлари, бир қатор концертлар, уюшмалар, агрофирмалар, солиқ, биржа муассасалари вакиллари иштирок этдилар.* [Тошкент ҳақиқати, 12.07.1995, № 55].

Бу гапта *агрофирма* сўзи иқтисодий соҳада ташкил этилган муассаса ёки ташкилотнинг бир тури сифатида қўлланилган. Янги изоҳли луғатга ҳали киритилмаган бу сўз оммавий ахборот воситаларида фаол қўлланиляпти. Масалан:

*Ўзбекистон “Йўловчи” автосугурта компанияси ҳиссадорлик жамиятининг Тошкент филиали қуйидаги автомашиналарини эҳтиёт қисмларини сотади.* [Ишонч, 24.05.1996, № 41].

Берилган жумладаги *автосузурта* сўзи транспорт билан шуғулланувчи компания хизмати доирасига кирувчи ҳодисани ифодалаган. Янги изоҳли луғатга ҳали киритилмаган бу сўз оммавий ахборот воситаларида фаол қўлланиляпти.

2. *От + от*. Бунда янги тушунча ҳосил қилиш учун сўзни қўшиш усулидан фойдаланилган: *юкорткич, далаҳовли, автоюкорткич, симтўсиқ*. Масалан: *“Шош-транс” Ўзбекистон-Россия-Швейцария акционерлик жамияти контейнер майдонида Англиянинг “Босс” фирмасида тайёрланган иккита кучли автоюкорткич пайдо бўлди*. [Халқ сўзи, 12.03.1996, № 59].

Бу гапдаги *автоюкорткич* сўзи юк ташувчи транспортнинг турини ифодалайди.

Шунингдек, шу ўринда қайд этиш жоизки, мустақиллик даврида ижтимоий-сиёсий тизим янгиланиши муносабати билан давлат бошқарув органлари структурасида тубдан ўзгаришлар бўлганлиги сабабли кўплаб қўшма сўзлар ҳосил қилинди. Улар, асосан, давлат ташкилотлари номларига тегишли бўлиб, бундай қўшма сўзлар икки ва ундан ортиқ компонентлардан ташкил топган.

Икки компонентли қўшма сўз. Бунда қўшма сўзларнинг компонентлари асосан от+от ва сифат+от кўринишида ўз ифодасини топган: *божхона (форс) қўмитаси, Вазирлар (араб) маҳкамаси (араб), парламент ассамблеяси, Ўзбекистон Президенти, қонунчилик палатаси, Бош вазир (араб), Марказий (араб) кенгаш, Олий (араб) кенгаш, Олий (араб) Мажлис (араб) Адлия (араб) вазири (араб), алоқа (араб) вазири (араб), Вазирлар (араб) Маҳкамаси (араб), Иқтисодиёт (араб) вазири (араб), Меҳнат (араб) Вазирлиги (араб), Мудофаа (араб) вазири (араб), тест (инглиз) маркази, Ўзбек кураши*. Масалан: *Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозогистонга давлат таширифи якунлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очди, унинг янги уфқларини белгилаб берди, икки қардош*

халққа улкан хурсандчилик бағишлади. [Халқ сўзи, 24.03.2017, № 58].

*Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси фракцияси билан ҳамкорликда “Жиноят ва жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг нормаларини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш – қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омили” мавзuida конференция ўтказилди. [Халқ сўзи, 16.03.2017, № 53].*

Уч компонентли қўшма сўз. Бунда қўшма сўзларнинг компонентлари асосан сифат+от+от ва от+от+от кўринишида ўз ифодасини топган: *миллий* (араб) *бирлик ҳукумати* (араб), *Бош Вазир* (араб) *кенгаши*, *Давлат Мулк* (араб) *қўмитаси*, *Ижтимоий* (араб) *таъминот* (араб) *вазири* (араб), *Ички Ишлар Вазири* (араб), *Ташқи Ишлар Вазири* (араб), *қуролли кучлар академияси* (юнон), *спорт* (инглиз) *дават* (араб) *қўмитаси*, *Халқаро* (араб) *Кураш Ассоциацияси*, *Олий* (араб) *Бош қўмондон (комендант)* (француз), *Олий* (араб) *Мажлис* (араб) *Сенати*(лотин). Масалан:

*Йиғилишида танловнинг таъсисчилари бўлмиш Давлат Мулк қўмитаси, Бизнес-фонд, Ўзбекистон Меҳнат Вазирлиги, Давлат телерадиокомпанияси, Ташқи Иқтисодий фаолият Миллий банки, Ўзбекистон кичик ва ўрта хусусий корхона ходимлари касаба уюшмалари Марказий кенгаши, Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси, “Қамолот” жамғармаси, Шахсий томорқа ва деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси, “Маҳалла” хайрия жамғармаси ва яна қатор ташкилотлар вакиллари қатнашдилар [Ватан, 11.12.1997, № 39].*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев билан учрашувда Ўзбекистон билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз юритилди. [Халқ сўзи, 17.03.2017, № 54].*

Тўрт компонентли кўшма сўз. Бунда кўшма сўзларнинг компонентлари асосан сифат+от+от+от ва от+от+сифат+от кўринишида ўз ифодасини топган: *халқаро Кураш Ассоциацияси* (лотин) *Президенти* (лотин), *Ўзбекистон Кураш Миллий* (араб) *федерацияси* (лотин). Масалан: *Таъсис мажлисида Халқаро Кураш Ассоциацияси Президенти этиб бир овоздан сайланган Ўзбекистоннинг таниқли полвони Комил Юсупов қадимий, тарихий манбаларда келтирилган маълумотларни жамлаб 1991 йилда дунё андозаларига мос кураш қоидаларини ишлаб чиқди.* [Ўзбек Кураши довуғи, Тошкент 2002, б. 6].

3. От + феъл. Бунда от сўз туркумига феъл кўшилади: *изтопар.*

4. Олмош + феъл. Бунда олмош сўз туркумига феъл кўшилади: *Кимошди.* Масалан:

*Афсуски, бундай воситачи тижорат ташкилотлари кимошди савдосини уюштиришдан нарига ўтмаяпти.* [Халқ сўзи, 8.07.1992, № 130].

*Кимошди* сўзи замонавий хорижий бизнесда муҳим савдо тури бўлиб, у жамиятимизга энди кириб келаётганлиги туфайли унчалик оммалашмаган.

Ўзбек тили ички имкониятларидан фойдаланиб янги сўз ва сўз бирикмаларини аффиксация, яъни “асосга кўшилиб, шу асоснинг маъноси билан боғлиқ бўлган, аммо янги бир лексик маънодаги сўз ҳосил қилишда иштирок этадиган аффикс” [99, 32] кўшиш ёрдамида яшадан кенг қўлланилади.

Шундай қилиб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани ва республика ўз миллий истиқлолига эришганидан кейин тил ички имкониятларидан фойдаланиб ясалган неологизмлар ҳам луғат таркибида салмоқли ўрин эгаллади.

### 2.3. Тил ижтимоий функциялари кенгайишининг сўз бирикмаси ҳосил бўлишидаги ўрни

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгач, яъни мустақиллик омили таъсирида тилнинг ижтимоий функциялари кенгайиши натижасида ўзбек тилининг луғат таркиби бойишида янги ҳосил қилинган сўз бирикмаларининг ҳам аҳамияти катта.

А. Нурмонов ва б.ларнинг таърифига кўра, сўз бирикмаси икки мустақил сўзнинг нопредикатив бирикувидан ҳосил бўладиган синтактик [85, 17]. Тузилишига кўра, сўз бирикмаси доимо ҳоким ва тобе қисмлардан иборат бўлади. Тобе қисмнинг қандай грамматик шаклда бўлиши ҳоким сўзга боғлиқ бўлади [73, б. 31].

Сўз бирикмалари сўзларнинг ўзаро бирикиш усулига кўра уч хил модел орқали бирикиши мумкин: битишув, бошқарув ва мослашув. Битишув усулига кўра, сўзлар (тобе ва ҳоким) ҳеч қандай қўшимчасиз, фақат оҳанг ва маъносига кўра боғланади [127, 27]. Бошқарув моделида эса сўзлар ўзаро келишиқ (тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш) қўнимчалари ёки кўмакчилар ёрдамида бирикади [127, 27]. Мослашув йўли билан боғланган сўз бирикмаларининг тобе сўз қисмида қаратқич келишиги қўшимчаси ва ҳоким сўз таркибида эгалиқ қўшимчалари иштирок этиши ўзига хос хусусиятдир [127, 28]. Сўз бирикмаларида сўзлар ўзбек тилида учта модел асосида ўзаро боғланиб, ҳар бир усул ўз хусусиятига эга.

Янги пайдо бўлган сўз бирикмалари иқтисод, сиёсат, таълим, дин, спорт, маданият, маиший хизмат кўрсатиш ва шунингдек, бошқа бир қатор соҳаларда қўлланила бошлади.

1. Иқтисодиёт соҳасига оид сўз бирикмалари. Салмоқли миқдордаги янги пайдо бўлган сўз бирикмалари иқтисодий соҳага тегишлидир. Уларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин: *бозор* (форс) *иқтисодиёти* (араб), *бозор* (форс) *муносабатлари* (араб), *божхона* (форс) *қўмитаси*

(комитет) (лотинча, рус тили орқали) давлат (араб) акционерлик (лотин) уюшмаси (турк), навириёт (араб) матбаа (араб) концерни (инглиз), иқтисодий (араб) ҳамкорлик (форс) ташилотлари (араб), миллий (араб) сугурта компанияси (лотин, француз), пул (форс) эмиссияси (лотин), қимматли (араб) қозозлар (форс) бозори (форс), ҳиссадорлик (араб+форс) бирлашмаси, биржа (юнон) комитети (лотин), логистика (юнон) тизими, иқтисодий (араб) зона (юнон), маҳаллий (араб) бюджет (инглиз), бизнес (инг. рус тилидан кириб келган) - консултант (инг. рус тилидан кириб келган), бизнес (инг. рус тилидан кириб келган) - инкубатор (лотинча), бизнес (инг. рус тилидан кириб келган) - тур (инг. рус тилидан кириб келган), интеграцион (инг. рус тилидан кириб келган) жараён (араб), ички бозор (форс), иқтисодий (араб) зона, иқтисодий (араб) кафолат (араб) кичик (форс) бизнес (инг. рус тилидан кириб келган), капитал (лотин, немис) маблағ (араб), маҳаллий (араб) бюджет, кўчмас мулк (араб), макроиқтисодий (юнон-араб) барқарорлик (форс-араб), реал (лотин) иқтисодиёт (араб), қўшма корхона (форс). Масалан:

Конференцияда “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш яқунлари ва 1998-2000 йилларда бу жараёнларни ривожлантиришининг асосий йўналишлари”, “Тошкент вилоятидаги акциядорлик жамиятларини иқтисодий-социологик тадқиқ этиш натижалари”, “Давлат мулкни бошқариш Бухоро ҳудудий бошқармасининг акциядорлик жамиятлари билан ишлаш тажрибалари” мавзуда маърузалар тингланиб, муҳокама қилинди. [Ватанпарвар, 25. 11.1997, № 141].

“Тошкент” фонд биржасининг Андижондаги вилоятлараро шаҳобчасида ҳар ойда мунтазам очиқ савдо ўтказиб борилади. [Ўзбекистон овози, 18.07.1995, № 86];

“Навоий” эркин иқтисодий зонаси улкан салоҳиятга эга. Биз Ўзбекистоннинг минтақада транспорт алоқасини

якшилаш ва глобал бозорларга чиқиш борасида саъй-ҳаракатларини юксай қадрлаймиз, ҳамда ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз. [Халқ сўзи, 04.03.2017, № 46]. Тошкент шаҳрида республика бюджетини ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади. [Халқ сўзи, 02.03.2017, № 44].

2. Сиёсийсохага оид сўз бирикмалари. Сиёсий соҳадаги ислоҳотлар қуйидаги сўз бирикмаларида намоён бўлади: ваҳҳобийлик (араб) оқими, давлат (араб) мадҳияси (араб), жамият (араб) тараққиёти (араб), истиқлол (араб) манфаатлари (араб), истиқлол (араб) шабадалари (форс), миллий (араб) истиқлол (араб) мафкураси (араб), мустақиллик (араб) мафкураси (араб), халқаро (араб) тараққиёт (араб) агентлиги (лотин), вазирлик (араб) лицензияси (лотинча), демократик (юнон) давлат (араб), исломий (араб) давлат (араб), иқтисодий (араб) ислоҳот (араб), иқтисодий (араб) тамойил (араб), миллий (араб) мафкура (араб), миллий (араб) мустақиллик (араб), миллий (араб) онг, сиёсий (араб) мустақиллик (араб), сиёсий (араб) партия (лотин), стратегик (юнон) ҳамкор (форс), туб ислоҳот (араб), ҳизбут (араб) таҳрир (араб). Масалан:

*Демократик давлатнинг энг муҳим белгиси қонун–нинг устуворлиги ҳисобланади (15-модда).* [Ватан, 11.12.1997, № 39].

Парламент қуйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлисларида вазирликлар ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлаб ҳар томонлама ўрганиб чиқилган эди. [Халқ сўзи, 18.03.2017, № 55].

3. Давлат бошқаруви органларисоҳасига оид сўз бирикмалари. Бу соҳага оид сўз бирикмалари қуйидаги мисолларда тил ижтимоий функциялари кенгайганлигидан

далолат беради: *ижро* (араб) *ҳокимияти* (араб), *мамлакат* (араб) *парламенти* (француз), *худудий* (араб) тузилма. Масалан:

